



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ  
КОМИССИЯСИ**

**А Х Б О Р О Т Н О М А С И**

**№ 1-2 (27-28)**

---

**2012**

**Тошкент – 2012**

**Ўзбекистон Республикаси  
Марказий сайлов комиссияси  
АХБОРОТНОМАСИ**

**2012 йил №1-2(27-28)-сон**

*1999 йилдан чиқа бошлаган*

**МУАССИС – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ**

Материаллар ҳар бир сонда ўзбек ва рус  
тилларида босилади

**ТАХРИР ҲАЙЪАТИ РАИСИ**

**Мирза-Улуғбек АБДУСАЛОМОВ**

**ТАХРИР ҲАЙЪАТИ**

Комилжон **АДИЛОВ**  
Отагалди **БОБОЖОНОВ**  
Жанабай **САДИКОВ**  
Ойбек **СОАТОВ**  
Кўчкор **ТОҒАЕВ**  
Маҳмаджон **ХОДЖАЕВ**  
Темур **ШИРИНОВ**  
Комилжон **ЮСУПОВ**  
Содиқжон **ҚАСИМОВ**  
Жавлон **АБДУЛЛАЕВ**

**БОШ МУҲАРРИР**

Низомиддин **НУРМАТОВ**

**ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

Тошкент шаҳри,  
Мустақиллик майдони, 6.

[www.elections.uz](http://www.elections.uz)

email: [info@elections.uz](mailto:info@elections.uz)

Телефон: 239-43-91

Босишга рухсат этилди: 05.02.2013 й.  
Офсет босма. Шартли б. т. 11,2.  
Адади: 500 нусха. Буюртма: № 55

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги  
институтини кичик босмаҳонасида босилди.  
Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 6.

**МУНДАРИЖА**

**РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР**

**5**

“Сайлов эркинлиги янада таъминланиши ва сайлов қонунчилиги янада ривожлантирилиши муносабати билан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

**13**

Мирза-Улуғбек Абдусаломов. Конституция – фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг асосий қафолати

**18**

Улуғбек Муҳаммадиев. Сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокида ҳал қилувчи аҳамиятга эга

**22**

Жанабай Садиков, Ғайрат Машқуров. Мустақил сайлов комиссияларини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари(парламент сайлови мисолида)

**28**

Низомиддин Нурматов, Жавлон Абдуллаев. Сайлов жараёнининг оммавий ахборот воситалари томонидан ёритилиши

**34**

Сайлов тизими янада такомиллаштирилди

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ  
САЙЛОВ КОМИССИЯСИНING ҚАРОРЛАРИ**

**40**

“Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2011 йилда амалга оширган ишлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

**42**

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси С.Хусеновнинг ваколатини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

**43**

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Н.Зайниевнинг ваколатини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

**44**

“Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2012 йилнинг биринчи ярмига мўлжалланган иш режаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

**45**

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Т.Жўраевнинг ваколатини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори



	63
“Бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси сайловини ўтказиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори	
	64
“М.Хайдаровни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси этиб рўйхатга олиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори	
	65
“Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2012 йилнинг биринчи ярмида амалга оширган ишлари юзасидан ҳисоботи ва жорий йилнинг иккинчи ярмига мўлжалланган иш режаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори	
	66
“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Х.Маматовнинг ваколатини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори	
	67
“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Н.Исмоиловнинг ваколатини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори	
	68
“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати К.Ибрагимовнинг ваколатини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори	
	69
«Ўзбекистонда сайлов тизимини демократлаштириш масалалари: халқаро амалиёт ва Ўзбекистон тажрибаси» мавзусида белгиланган халқаро давра суҳбатини ташкил этиш ва ўтказишга тайёргарлик кўриш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори	
	71
“Бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси сайловини ўтказиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори	
	72
“Г.Сатторовани Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси этиб рўйхатга олиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори	
	73
“Бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси сайловини ўтказиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори	
	74
“К.Каримовни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси этиб рўйхатга олиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори	
	75
“Бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси сайловини ўтказиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори	
	76
“С.Муминовни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси этиб рўйхатга олиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори	
	77
<b>МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА</b>	
	82
<b>ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК</b>	
	82
Марказий сайлов комиссиясидаги учрашувлар	
	83
Сайловларнинг халқаро кузатувида иштирок этиш	
	85
Халқаро конференциялар ва бошқа анжуманларда иштирок этиш	

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ**

### **Сайлов эркинлиги янада таъминланиши ва сайлов қонунчилиги янада ривожлантирилиши муносабати билан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

Қонунчилик палатаси томонидан 2012 йил 1 ноябрда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2012 йил 5 декабрда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги 990–ХП-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган 518–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9–10, 132-модда; 2004 йил, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 12, 637-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **6-модданинг еттинчи қисми:** қуйидаги мазмундаги **учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш ва уларни сайлаш бўйича Ўзбекистон экологик ҳаракатининг конференциясида ҳозир бўлиш»;

**учинчи-олтинчи хатбошилари** тегишинча **тўртинчи-еттинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

2) **8-модданинг иккинчи қисми** «олис ва бориш қийин бўлган ерлардаги фуқаролар турган жойларда» деган сўзлардан кейин «қамокда сақлаш жойларида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) **27-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

#### **«27-модда. Сайловолди ташвиқоти**

Сайловолди ташвиқоти – сайлов кампанияси даврида амалга ошириладиган ва сайловчиларни депутатликка номзодни ёки сиёсий партияни ёқлаб овоз беришга ундашга қаратилган фаолият.

Сайловолди ташвиқоти депутатликка номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади. Сайлов куни ва овоз бериш бошланишига бир кун қолганида сайловолди ташвиқотига йўл қўйилмайди.

Сайловолди ташвиқотини сайловчиларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш, хизматлар кўрсатиш (ахборот хизматларидан ташқари), шунингдек пул маблағлари тўлаш билан қўшиб олиб бориш тақиқланади»;

4) қуйидаги мазмундаги **27<sup>1</sup> – 27<sup>4</sup>-моддалар** билан тўлдирилсин:

## **«27<sup>1</sup>-модда. Сайловолди ташвиқотини олиб бориш турлари, шакллари ва усуллари**

Сайловолди ташвиқоти қуйидаги тарзда олиб борилади:

сиёсий партиянинг дастури ва (ёки) сайловолди платформаси тўғрисидаги ахборотни ўзининг депутатликка номзодларини ёқлаб овоз беришга даъват этган ҳолда тарқатиш;

депутатликка номзод тўғрисидаги ахборотни уни ёқлаб овоз беришга даъват этган ҳолда тарқатиш.

Сайловолди ташвиқоти омма олдида мунозаралар, баҳслар, матбуот конференциялари, интервьюлар, сўзга чиқишлар, сайловчиларнинг йиғилишлари, депутатликка номзод, сиёсий партия тўғрисидаги роликларни жойлаштириш шаклида олиб борилиши мумкин.

Сайловолди ташвиқоти:

оммавий ахборот воситалари, шунингдек телевидение, умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқлари (шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғи) орқали;

босма, кўргазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларини (плакатлар, варақалар ва бошқа материалларни) чиқариш ҳамда тарқатиш орқали;

сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали амалга оширилади.

Депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар сайловолди ташвиқотини олиб боришнинг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турлари, шакллари ва усуллари ҳам фойдаланиши мумкин.

## **27<sup>2</sup>-модда. Сайловолди ташвиқотини оммавий ахборот воситалари орқали олиб бориш**

Сайловолди ташвиқоти олиб борилаётганда давлат оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга ҳажмига кўра бир хил бўлган эфир вақти ва нашр майдонини бепул бериш йўли билан тенг шароитлар таъминланади.

Депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга давлат оммавий ахборот воситаларида ҳақ эвазига ҳам эфир вақти ёки нашр майдони ажратилиши мумкин.

Депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга нодавлат оммавий ахборот воситаларида қонун ҳужжатларига мувофиқ эфир вақти ёки нашр майдони ажратилиши мумкин.

Сайлов кампаниясида иштирок этувчи оммавий ахборот воситалари томонидан эфир вақти, нашр майдони учун белгиланадиган ҳақ тўлаш шартлари ҳамда бошқа талаблар барча депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар учун тенг ва бир хил бўлиши керак.

Оммавий ахборот воситаларида тарқатиладиган ахборот ҳақиқатга мос бўлиши, депутатликка номзодларнинг, сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузмаслиги керак. Ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни, шунингдек депутатликка номзодларнинг шаъни ва кадр-қимматига путур етказадиган маълумотларни тарқатиш тақиқланади.

Сайловолди ташвиқоти мақсадида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартиби, ҳажми ва вақти сиёсий партиялар билан келишилган ҳолда Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

**27<sup>3</sup>-модда. Сайловолди ташвиқотини босма, кўрғазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларини чиқариш ҳамда тарқатиш орқали олиб бориш**

Сиёсий партияларга босма, кўрғазмали, аудиовизуал материалларни, фонограммаларни, босма маҳсулотнинг электрон шаклларини ва бошқа ташвиқот материалларини монеликсиз чиқариш ҳамда тарқатиш учун тенг шароитлар яратиб берилади. Ташвиқот материаллари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тайёрланиши керак.

Босма, кўрғазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

ташвиқот материалларини тайёрлаган юридик шахснинг номи (жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми), жойлашган ери (почта манзили) ва у ҳақдаги бошқа маълумотлар;

ташвиқот материалларига буюртма берган юридик шахснинг номи (жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми);

ташвиқот материалларининг адади, чиқарилган санаси тўғрисидаги ахборот.

Биноларга, иншоотларга ва бошқа жойларга илгари жойлаштирилган сайловолди ташвиқоти материаллари сайловга бир кун қолганида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан олиб қўйилади.

**27<sup>4</sup>-модда. Сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали сайловолди ташвиқотини олиб бориш**

Депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали сайловолди ташвиқоти учун тенг шароитлар яратиб берилади.

Сайловчилар билан учрашувлар депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар томонидан мустақил равишда ўтказилади. Уларни ўтказиш жойи ва вақти, қоида тарихида, участка сайлов комиссиялари билан келишиб олинади, мазкур комиссиялар бу ҳақда сайловчиларни олдиндан хабардор қилади.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш учун жиҳозланган хоналарни бепул ажратиши, зарур маълумот ва ахборот материалларини олишда ёрдам кўрсатиши шарт.

Депутатликка номзод ёки унинг ишончли вакиллари бошқа депутатликка номзодлар ёки уларнинг ишончли вакиллари билан биргаликда сайловчилар билан учрашувлар ўтказишга ёхуд бошқа депутатликка

номзодлар, сиёсий партиялар томонидан ташкил этилган сайловчилар билан учрашувларда иштирок этишга ҳақли»;

5) **32-модданинг олтинчи қисми** «бошқа стационар даволаш муассасаларида» деган сўзлардан кейин «қамоқда сақлаш жойларида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

6) **33-модданинг биринчи қисми** «олис ва бориш қийин бўлган ерларда» деган сўзлардан кейин «қамоқда сақлаш жойларида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

7) **38-модданинг матни** «олис ва бориш қийин бўлган ерлардаги фуқаролар турган жойларда» деган сўзлардан кейин «қамоқда сақлаш жойларида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

8) **41-модданинг:**

**бешинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **бешинчи-ўнинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Сайлов куни ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчи муддатидан олдин овоз бериш ҳуқуқига эга.

Муддатидан олдин овоз бериш сайловга ўн кун қолганида бошланади ва сайловга бир кун қолганида тугалланади. Муддатидан олдин овоз беришни ўтказиш вақти округ сайлов комиссияси томонидан белгиланади ва сайловчиларнинг, кузатувчиларнинг, оммавий ахборот воситалари вакилларининг эътиборига етказилади.

Муддатидан олдин овоз беришни амалга ошириш учун сайловчи сайлов кунида бўла олмаслиги сабаблари (таътил, хизмат сафари, чет элга чиқиш ва ҳоказо) кўрсатилган ариза асосида ўз яшаш жойидаги участка сайлов комиссиясидан сайлов варақасини олади. Сайловчи сайлов варақасини олганлиги ҳақида участка сайлов комиссиясининг камида икки нафар аъзоси ҳозирлигида сайловчилар рўйхатига имзо қўяди.

Сайлов варақаси махсус жиҳозланган яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида сайловчи томонидан тўлдирилади.

Сайловчи қарор қабул қилади ва тўлдирилган сайлов варақасини ёпик конвертда участка сайлов комиссиясида қолдиради. Конвертнинг елимланган жойига участка сайлов комиссияси икки нафар аъзосининг имзолари қўйилиб, улар комиссиянинг муҳри ва сайловчининг имзоси билан тасдиқланади.

Сайлов варақасининг шакли ва уни тайёрлаш тартиби, шунингдек сайлов варақаларини сайлов участкаларига етказиб бериш муддатлари Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади»;

**олтинчи қисми ўн биринчи қисм** деб ҳисоблансин;

9) **65-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Овоз бериш кунига қадар уч кун ичида, шунингдек овоз бериш куни жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари тахминларини, ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни чоп этишга (эълон қилишга), шу жумладан уларни умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқларига (шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғига) жойлаштиришга йўл қўйилмайди».



**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги 1050–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 5, 125-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 3, 38-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 206-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; 2003 йил, № 9–10, 134-модда; 2004 йил, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 12, 637-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **8-модданинг иккинчи қисми** «олис ва бориш қийин бўлган ерлардаги фуқаролар турган жойларда» деган сўзлардан кейин «қамокда сақлаш жойларида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **25-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«25-модда. Сайловолди ташвиқоти**

Сайловолди ташвиқоти – сайлов кампанияси даврида амалга ошириладиган ва сайловчиларни депутатликка номзодни ёки сиёсий партияни ёқлаб овоз беришга ундашга қаратилган фаолият.

Сайловолди ташвиқоти депутатликка номзодлар тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади. Сайлов куни ва овоз бериш бошланишига бир кун қолганида сайловолди ташвиқотига йўл қўйилмайди.

Сайловолди ташвиқотини сайловчиларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш, хизматлар кўрсатиш (ахборот хизматларидан ташқари), шунингдек пул маблағлари тўлаш билан қўшиб олиб бориш тақиқланади»;

3) қуйидаги мазмундаги **25<sup>1</sup>-25<sup>4</sup>-моддалар** билан тўлдирилсин:

**«25<sup>1</sup>-модда. Сайловолди ташвиқотини олиб бориш турлари, шакллари ва усуллари**

Сайловолди ташвиқоти қуйидаги тарзда олиб борилади:

сиёсий партиянинг дастури ва (ёки) сайловолди платформаси тўғрисидаги ахборотни ўзининг депутатликка номзодларини ёқлаб овоз беришга даъват этган ҳолда тарқатиш;

депутатликка номзод тўғрисидаги ахборотни уни ёқлаб овоз беришга даъват этган ҳолда тарқатиш.

Сайловолди ташвиқоти омма олдида мунозаралар, баҳслар, матбуот конференциялари, интервьюлар, сўзга чиқишлар, сайловчиларнинг йиғилишлари, депутатликка номзод, сиёсий партия тўғрисидаги роликларни жойлаштириш шаклида олиб борилиши мумкин.

Сайловолди ташвиқоти:

оммавий ахборот воситалари, шунингдек телевидение, умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқлари (шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғи) орқали;

босма, кўргазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларини (плакатлар, варақалар ва бошқа материалларни) чиқариш ҳамда тарқатиш орқали; сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали амалга оширилади.

Депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар сайловолди ташвиқотини олиб боришнинг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турлари, шакллари ва усуллари ҳам фойдаланиши мумкин.

### **25<sup>2</sup>-модда. Сайловолди ташвиқотини оммавий ахборот воситалари орқали олиб бориш**

Сайловолди ташвиқоти олиб борилаётганда давлат оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга ҳажмига кўра бир хил бўлган эфир вақти ва нашр майдонини бепул бериш йўли билан тенг шароитлар таъминланади.

Депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга давлат оммавий ахборот воситаларида ҳақ эвазига ҳам эфир вақти ёки нашр майдони ажратилиши мумкин.

Депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга нодавлат оммавий ахборот воситаларида қонун ҳужжатларига мувофиқ эфир вақти ёки нашр майдони ажратилиши мумкин.

Сайлов кампаниясида иштирок этувчи оммавий ахборот воситалари томонидан эфир вақти, нашр майдони учун белгиланадиган ҳақ тўлаш шартлари ҳамда бошқа талаблар барча депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар учун тенг ва бир хил бўлиши керак.

Оммавий ахборот воситаларида тарқатиладиган ахборот ҳақиқатга мос бўлиши, депутатликка номзодларнинг, сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузмаслиги керак. Ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни, шунингдек депутатликка номзодларнинг шаъни ва кадр-қимматига путур етказадиган маълумотларни тарқатиш тақиқланади.

Сайловолди ташвиқоти мақсадида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартиби, ҳажми ва вақти сиёсий партиялар билан келишилган ҳолда тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

### **25<sup>3</sup>-модда. Сайловолди ташвиқотини босма, кўргазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларини чиқариш ҳамда тарқатиш орқали олиб бориш**

Сиёсий партияларга босма, кўргазмали, аудиовизуал материалларни, фонограммаларни, босма маҳсулотнинг электрон шаклларини ва бошқа ташвиқот материалларини монеликсиз чиқариш ҳамда тарқатиш учун тенг шароитлар яратиб берилади. Ташвиқот материаллари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тайёрланиши керак.

Босма, кўргазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

ташвиқот материалларини тайёрлаган юридик шахснинг номи (жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми), жойлашган ери (почта манзили) ва у ҳақдаги бошқа маълумотлар;

ташвиқот материалларига буюртма берган юридик шахснинг номи (жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми);

ташвиқот материалларининг адади, чиқарилган санаси тўғрисидаги ахборот.

Биноларга, иншоотларга ва бошқа жойларга илгари жойлаштирилган сайловолди ташвиқоти материаллари сайловга бир кун қолганида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан олиб қўйилади.

#### **25<sup>4</sup>-модда. Сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали сайловолди ташвиқотини олиб бориш**

Депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали сайловолди ташвиқоти учун тенг шароитлар яратиб берилади.

Сайловчилар билан учрашувлар депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар томонидан мустақил равишда ўтказилади. Уларни ўтказиш жойи ва вақти, қоида тариқасида, участка сайлов комиссиялари билан келишиб олинади, мазкур комиссиялар бу ҳақда сайловчиларни олдиндан хабардор қилади.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш учун жиҳозланган хоналарни бепул ажратиши, зарур маълумот ва ахборот материалларини олишда ёрдам кўрсатиши шарт.

Депутатликка номзод ёки унинг ишончли вакиллари бошқа депутатликка номзодлар ёки уларнинг ишончли вакиллари билан биргаликда сайловчилар билан учрашувлар ўтказишга ёхуд бошқа депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар томонидан ташкил этилган сайловчилар билан учрашувларда иштирок этишга ҳақли»;

4) **29-модданинг олтинчи қисми** «бошқа стационар даволаш муассасаларида» деган сўзлардан кейин «қамоқда сақлаш жойларида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

5) **30-модданинг биринчи қисми** «олис ва бориш қийин бўлган жойларда» деган сўзлардан кейин «қамоқда сақлаш жойларида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

6) **35-модданинг иккинчи қисми** «олис ва бориш қийин бўлган ерлардаги фуқаролар турган жойларда» деган сўзлардан кейин «қамоқда сақлаш жойларида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

7) **38-модданинг:**

**бешинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **бешинчи-ўнинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Сайлов куни ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчи муддатидан олдин овоз бериш ҳуқуқига эга.

Муддатидан олдин овоз бериш сайловга ўн кун қолганида бошланади ва сайловга бир кун қолганида тугалланади. Муддатидан олдин овоз беришни ўтказиш вақти округ сайлов комиссияси томонидан белгиланади ва сайловчиларнинг, кузатувчиларнинг, оммавий ахборот воситалари вакилларининг эътиборига етказилади.

Муддатидан олдин овоз беришни амалга ошириш учун сайловчи сайлов кунида бўла олмаслиги сабаблари (таътил, хизмат сафари, чет элга чиқиш ва ҳоказо) кўрсатилган ариза асосида ўз яшаш жойидаги участка сайлов комиссиясидан сайлов варақасини олади. Сайловчи сайлов варақасини олганлиги ҳақида участка сайлов комиссиясининг камида икки нафар аъзоси ҳозирлигида сайловчилар рўйхатига имзо қўяди.

Сайлов варақаси махсус жиҳозланган яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида сайловчи томонидан тўлдирилади.

Сайловчи қарор қабул қилади ва тўлдирилган сайлов варақасини ёпиқ конвертда участка сайлов комиссиясида қолдиради. Конвертнинг елимланган жойига участка сайлов комиссияси икки нафар аъзосининг имзолари қўйилиб, улар комиссиянинг муҳри ва сайловчининг имзоси билан тасдиқланади.

Сайлов варақасининг шакли ва уни тайёрлаш тартиби, шунингдек сайлов варақаларини сайлов участкаларига етказиб бериш муддатлари тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан белгиланади»;

**олтинчи қисми ўн биринчи қисм** деб ҳисоблансин;

8) **49-модда** қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Овоз бериш кунига қадар уч кун ичида, шунингдек овоз бериш куни жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари тахминларини, ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни чоп этишга (эълон қилишга), шу жумладан уларни умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқларига (шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғига) жойлаштиришга йўл қўйилмайди».

**3-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2012 йил 19 декабрь,  
№ ЎРҚ-340.

*Мирза-Улугбек АБДУСАЛОМОВ<sup>1</sup>*

## **КОНСТИТУЦИЯ – ФУҚАРОЛАР САЙЛОВ ҲУҚУҚЛАРИНИНГ АСОСИЙ КАФОЛАТИ**

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – сиёсий ислохотларимизнинг, шу жумладан, сайлов қонунчилиги тизимининг ҳуқуқий асосини ташкил этади. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, ҳар қандай давлатнинг Конституцияси унда яшовчи халқнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради.

Маълумки, демократиянинг универсал талаблари ҳамма жойда бир хил бўлиб, унинг умумий тамойиллари демократиянинг ажралмас қисми бўлган халқ ҳокимияти, халқнинг хоҳиш-иродаси ва очиқ, эркин сайловлар ҳисобланади. Бу – пировард натижада ҳар қандай демократиянинг энг юқори поғонаси бўлган фуқаролик жамиятидир.

Сайлов ҳуқуқи ҳар бир давлатда унинг тарихий анъаналари, сиёсий тизим характери, электорат хулқи ва бошқалар билан боғлиқ бўлган ўз хусусиятларига эга. Шу билан бир қаторда, демократик давлатларда сайлов ҳуқуқи халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда ифодаланган ва умумэтироф этилган принципларга асосланади. Улар қаторига сайлов ҳуқуқининг умумийлиги ва тенглиги, яширин овоз бериш ва бошқалар киради.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси сайлов ҳуқуқининг асосларини белгилаб беради. Чунончи, демократик давлатларда умумэтироф этилган қоидалар асосида шаклланган ҳамда амалда бўлган сайлов ўтказишнинг демократик принципларини Конституция билан сайлов қонунчилигида мустаҳкамлаб қўйилиши фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқларининг амалга ошишига хизмат қилади. Шундан келиб чиқиб, демократик-ҳуқуқий сайлов қонунчилиги ва уни амалиётга татбиқ этиш мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг узвий таркибий қисмига айланди.

Таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда сиёсий, давлат ва ҳуқуқий тизимлар изчил, босқичма-босқич модернизация қилиниши натижасида энг юқори демократик талабларга жавоб берадиган сайлов тизими барпо этилди.

Сайловларнинг умумэтироф этилган халқаро нормалар ва принципларга жавоб берадиган самарали қонунчилик, норматив-ҳуқуқий базаси шаклланди. Марказий сайлов комиссияси бошчилигида давлат ҳокимияти

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист

вакиллик органларига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни таъминловчи сайлов комиссияларининг яхлит мустақил тизими ташкил топди. Фуқаролар, сиёсий партияларнинг сайлов жараёнларида эркин, фаол иштирок этиши учун замонавий талабларга жавоб берадиган ташкилий-ҳуқуқий, моддий-техник шароитлар, уларнинг сайлов ҳуқуқлари тўлиқ амалга оширилишининг мустаҳкам кафолатлари яратилди.

Мамлакатимизда ўтказилаётган сайловлар жараёнлари халқаро ҳуқуқнинг тан олинган норма ва тамойилларига тўлиқ мослигини таъминлашга эришилди. Шунини алоҳида қайд этиш жоизки, Асосий Қонунимизнинг кўплаб бошқа мамлакатлар конституцияларидан фарқли ўлароқ ўзига хос хусусиятини кўрсатувчи асосий жиҳатлардан бири, бу унда сайлов тизимига бағишланган махсус боб ажратилганлигидир. Хусусан, Конституциянинг XXIII боби “Сайлов тизими” деб номланган<sup>1</sup>.

Унинг 117-моддасида шахснинг овоз бериши, ўз хоҳиш-иродасини билдириши тенглик ва эркинлик асосида амалга оширилиши қонун билан кафолатланиши белгилаб қўйилди.

Шу билан бирга Асосий Қонунимизнинг 77, 90, 117-моддаларида умумий сайлов ҳуқуқи ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи, овоз бериш ҳуқуқининг тенглиги, овоз бериш ҳуқуқининг эркинлиги, ҳар бир сайловчининг бир овозга эгаллиги, яширин овоз бериш ҳуқуқи каби принциплар мустаҳкамлаб қўйилган.

Конституцияда белгиланган нормалар сайловга оид алоҳида қонунлар қабул қилиш билан тўла мазмунга эга бўлмоқда. Таъкидлаш жоизки, сайлов тизимига конституциявий ёндашув сайлов ҳуқуқининг асосий принципларини таъминлайди ва алоҳида қабул қилинган қонунларга асос бўлиб хизмат қилади. Ўтган йилларда “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги (янги таҳрири), “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари қабул қилингани ана шу конституциявий нормалар рўёбида улкан аҳамият касб этди.

Албатта, жамиятимизда рўй бераётган муҳим демократик ўзгаришлар натижаси ҳамда давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги ислохотларга монанд равишда миллий сайлов қонунчилигимиз, ривожланган демократик давлатларда бўлгани сингари, тобора такомиллаштирилиб борилмоқда.

Умуман олганда, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси фуқаролар сайлов ҳуқуқларини амалга ошириш, бу борадаги кенг кўламли ислохотларнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Зотан, Конституция фуқароларимиз сайлов ҳуқуқлари мазмунини белгилаб беради. Чунончи, унинг 117-моддасига кўра, “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар... Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012. –Б.32-33.

шунингдек суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас ва сайловда қатнашмайдилар. Бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди”. Бундан келиб чиқиб, айтиш жоизки, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари рухсат этилган чекланишининг чегараси бевосита Конституция билан белгиланган.

Айни чоғда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 43-моддасига мувофиқ, фуқароларнинг бошқа ҳуқуқлари қаторида сайлов ҳуқуқини таъминлаш давлат зиммасига юклатилган. Энг муҳими, Асосий Қонуниimiz фуқаролар томонидан сайлаш йўли билан шакллантириладиган давлат органлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари доирасини белгилаб беради. Конституциявий нормалар сайлов ҳуқуқининг демократик тамойиллари Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизимининг бўғини ҳисобланиши ҳақидаги қоидадан келиб чиқади.

Конституциямизда, шунинг баробарида, фуқаролар сайлов ҳуқуқларини белгилайдиган конституциявий нормаларни муҳофаза қилишнинг умумий механизми мустаҳкамлаб қўйилган. Хусусан, унинг 15-моддасига мувофиқ, мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар.

Ушбу ўринда Президентимиз томонидан тақдим қилинган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси республикани ислоҳ этиш ва демократлаштириш жараёни, давлат ва жамият қурилиши соҳаси, ҳуқуқий тизим, шу жумладан, сайлов қонунчилигини янада такомиллаштиришнинг янги босқичини бошлаб берди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Концепцияда давлат ва жамият ҳаётининг қатор йўналишларида демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифалари белгилаб берилди. Чунончи, унда Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш масалаларининг алоҳида йўналиш сифатида кўзда тутилгани мамлакатимизда демократиянинг бош талаби ҳамда фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокининг асосий шакли бўлмиш эркин сайловларга берилаётган эътибор, уларнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилаётганининг яққол далилидир. Жумладан, давлатимиз раҳбари томонидан мазкур тарихий ҳужжатда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш бўйича илгари сурилган қатор қонунчилик ташаббуслари тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида демократиянинг муҳим белгиси бўлган сайлов жараёнларини янада либераллаштириш, унинг очиқлигини таъминлаш, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродаларини эркин ва мустақил билдиришлари учун мавжуд механизмларни янада такомиллаштиришга хизмат қиладиган ислоҳотлар жумласига киради.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида таъкидланганидек,

мамлакатимизни модернизация қилиш ва демократик ўзгаришлар юз бераётган бугунги кунда ҳаётнинг ўзи, айниқса, охири сайловда биз тўплаган тажриба юртимизда сайлов жараёنларини янада демократлаштириш масалаларини кун тартибига қўйди<sup>1</sup>.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзолари, депутатлар, Сенат аъзолари, ҳуқуқшунослар, тажрибали олимлар ва амалиётчилар таркибидаги ишчи гуруҳи томонидан “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги ҳамда “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси тайёрланди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари гуруҳи ташаббуси билан ишлаб чиқилган мазкур қонун қабул қилиниб, Олий Мажлис Сенати томонидан маъқулланди<sup>2</sup>.

Мазкур қонунда мамлакатимизда сайлов эркинлиги ҳуқуқи принципнинг тўлиқ жорий этилиши ҳамда сайлов тизимининг янада демократлашувига хизмат қиладиган қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, сайловолди ташвиқоти жараёнининг моҳиятини ва унинг бир хилда тушунилишини ҳисобга олган ҳолда “сайловолди ташвиқоти” тушунчаси очиб берилган. Сайлов куни ва сайлов бошланишидан бир кун олдин сайловолди ташвиқотига йўл қўйилмаслигига оид қоида мустаҳкамланган. Сайловолди ташвиқотини олиб бориш турлари, шакллари ва усуллари белгиланган. Муддатидан олдин овоз беришнинг муддатлари ва тартиб-таомиллари аниқ қилиб кўрсатилди. Овоз бериш кунига қадар, шунингдек, овоз бериш куни жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари тахминларини, ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни чоп этишнинг тартибига оид қоидалар ўз аксини топган. Шунингдек, кузатувчиларга Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларини сайлаш бўйича Конференциясида иштирок этиш ҳуқуқи берилди. Айни чоғда қамоқда сақлаш жойларида ҳам сайлов участкаларини ташкил этиш имкониятини назарда тутадиган норма белгиланган.

Таъкидлаш жоизки, мазкур қонунни ишлаб чиқиш жараёнида дунёнинг ривожланган демократик мамлакатлари, хусусан, АҚШ, Канада, Германия, Франция, Испания, Жанубий Корея, Япония ва бошқа давлатларнинг илғор тажрибаси ўрганилди. Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ва ҳудудий сайлов комиссияларининг аъзолари, вазирликлар ва идораларнинг экспертлари, шунингдек, сиёсий партиялар, Ўзбекистон Экологик ҳаракати, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ва сайлов ҳуқуқи соҳаси бўйича хорижий мутахассис-олимлар иштирокида кенг муҳокамадан, халқаро экспертизадан ўтказилди. Жумладан, Европа Кенгаши Венеция комиссияси

<sup>1</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Т.: Ўзбекистон, 2010.

<sup>2</sup> «Сайлов эркинлиги янада таъминланиши ва сайлов қонунчилиги янада ривожлантирилиши муносабати билан “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги ҳамда “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни // Халқ сўзи, 2012 йил 20 декабр.



хамда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг биргаликда тақдим қилган хулосасида Қонунга ижобий баҳо берилди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда сайлов қонунчилигининг ривожланиши амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар, уни фаоллаштириш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва такомиллаштириш, шунингдек, давлат бошқаруви, маъмурий-сиёсий, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар билан ҳамоҳанг тарзда олиб борилмоқда. Шунини ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатимизнинг умумэътироф этилган, халқаро андозаларга, илғор чет эл тажрибасига асосланган ҳамда такомиллашиб бораётган сайлов қонунчилиги ва амалиётининг мустаҳкам таянчи, сарчашмаси ва асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

## САЙЛОВ ҲУҚУҚИ ЭРКИНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ФУҚАРОЛАРНИНГ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИДАГИ ИШТИРОКИДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ АҲАМИЯТГА ЭГА

**«Сайловлар – бу мамлакатимизда амалда бўлган ҳуқуқий нормаларнинг нечоғлиқ демократик руҳда эканини намоён этадиган, демократик ҳуқуқий давлатнинг узвий белгиси, халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишининг, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокининг асосий шакли бўлиб, ўта муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга масаладир».**

**Ислом КАРИМОВ**

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг ривожланишнинг «ўзбек модели» деб ном олган ва бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятининг эътирофига сазовор бўлган ўз тараққиёт йўлини танлаб олди. Бугун ана шу йўлдан оғишмай қатъият билан одимлаб кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари олға интилмоқда. Бунинг ижобий самараси ўлароқ ўз олдимизга қўйган мақсадларга эришиш борасида фахрланса арзигулик ютуқлар қўлга киритилди.

Маълумки, Конституциямизнинг саккизинчи бобида фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирокини таъминлаш ҳақидаги норма белгиланган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сайлов ва референдумларда бевосита қатнашишлари ҳамда ўз овозларини беришларини кафолатлайди.

Истиқлол йилларида демократик ислохотларнинг ажралмас таркибий қисми бўлмиш сайлов тизими ҳам босқичма-босқич, изчил ислоҳ қилиниб, бугунги кунда халқимизнинг миллий қадриятларига тўлиқ мос бўлган демократик сайлов тизими яратилди. Таъкидлаш жоизки, ҳозирда вужудга келган сайлов тизими миллий тажриба билан бирга сайловларга оид халқаро стандартларни ҳамда илғор хорижий амалиётни ҳам ўзида мужассам этган. Бир сўз билан айтганда, сайлов тизимининг мунтазам такомиллаштирилиб борилиши амалга оширилаётган мамлакатни модернизация қилиш ва барча соҳаларда демократик ўзгаришларни амалга оширишнинг муҳим таркибий қисмидир. Ўзбекистонда яратилган сайлов тизими сайловлар жараёнида нафақат сиёсий партияларнинг сайловолди дастурларига баҳо бериш, балки ҳар бир депутатликка номзоднинг салоҳияти ва шахсий хислатларини ҳисобга олиш имкониятини беради. Ўтган йиллар давомида сайлов жараёнида сиёсий партиялар ўртасида депутатлик ўрни учун кураш олиб бориш, сиёсий мунозараларга киришиш маданияти ҳам шаклланди.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси раҳбари

Сайловчиларнинг ҳуқуқий онги ва дунёқараши тубдан ўзгарди. Мамлакатимиз ўтган қисқа даврда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш борасида ўзига хос миллий қонунчилик базасига ва тажрибага эга бўлди.

Юртбошимизнинг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси” мавзусидаги маърузасида мустақил тараққиётимизнинг ўтган даврида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинган ҳолда, демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришни янги босқичга кўтариш борасидаги энг муҳим устувор вазифалар белгилаб берилди. Концепцияда белгиланган “Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш” йўналиши алоҳида ўрин тутади.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси аъзоларидан иборат бир гуруҳ депутатлар Концепциядаги сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш йўналишида белгиланган “Сайлов эркинлиги янада таъминланиши ва сайлов қонунчилиги янада ривожлантирилиши муносабати билан “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги ҳамда “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқишди. Энг муҳими, мазкур қонунчилик ташаббуси барча сиёсий партиялар томонидан қўллаб-қувватланди. Чунки, қонун лойиҳасида таклиф этилаётган янгиликлар барча сиёсий партиялар, ва албатта юртимиз фуқаролари манфаатига мосдир. Депутатларнинг жойлардаги партия электорати билан учрашувларида, эксперт-мутахассислар, кенг жамоатчилик, нодавлат ташкилотларнинг вакиллари иштирокидаги муҳокамаларда, қатор тадбир ва давра суҳбатларида билдирилган фикрлар қонун лойиҳасини тайёрлаш ва уни янада такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этди. Шунингдек, лойиҳани тайёрлаш жараёнида демократик ўзгаришларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган сайлов тизимимиз, сайлов жараёнларини янада демократлаштириш масалалари, хусусан, 2004 ва 2009 йиллардаги сайлов жараёнлари атрофлича ўрганилди ва тўпланган бой тажрибалар таҳлил қилинди.

2012 йил 20 декабрдан кучга кирган мазкур қонунда бир қатор янги нормалар мустаҳкамланди.

Қонунда аввало, сайловолди ташвиқоти жараёнининг моҳиятини очиб бериш ва бир хилда тушунилишини таъминлаш мақсадида тушунчага таъриф берилади. Жумладан, қонуннинг 27-моддасига мувофиқ «сайловолди ташвиқоти – сайлов кампанияси даврида амалга ошириладиган ва сайловчиларни депутатликка номзодни ёки сиёсий партияни ёқлаб овоз беришга ундашга қаратилган фаолият»дир. Шунингдек, сайлов куни ва сайлов бошланишидан бир кун олдин сайловолди ташвиқотига йўл қўйилмаслик белгиланган. Ушбу норма сайловчиларга ўз нуқтаи назарларини аниқлаштириб олиш, қайси сиёсий йўлни маъқул деб топиб, ким учун ва

кайси сиёсий партия учун овоз бериш тўғрисидаги масала юзасидан мустақил қарор қабул қилиш учун имконият беришга қаратилган. Бу норма овоз бериш арафасида турли суиистеъмолликлар ва қоидабузарликларнинг юз бериш эҳтимолини олдини олиш имконини беради.

Юқорида таъкидланганидек, сайловолди ташвиқоти самарадорлигини ошириш мақсадида 2004 ва 2009 йиллардаги парламент сайлови кампаниялари тажрибасининг таҳлилини ҳисобга олган ҳолда қонунда сайловолди ташвиқотини олиб бориш турлари, шакллари ва усуллари белгиланди (27<sup>1</sup>-модда). Хусусан мазкур нормага мувофиқ “сиёсий партиянинг дастури ва (ёки) сайловолди платформаси тўғрисидаги ахборотни ўзининг депутатликка номзодларини ёқлаб овоз беришга даъват этган ҳолда тарқатиш; депутатликка номзод тўғрисидаги ахборотни уни ёқлаб овоз беришга даъват этган ҳолда тарқатиш.

Сайловолди ташвиқоти омма олдида мунозаралар, баҳслар, матбуот конференциялари, интервьюлар, сўзга чиқишлар, сайловчиларнинг йиғилишлари, депутатликка номзод, сиёсий партия тўғрисидаги роликларни жойлаштириш шаклида олиб борилиши мумкин.

Сайловолди ташвиқоти:

оммавий ахборот воситалари, шунингдек телевидение, умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқлари (шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғи) орқали; босма, кўرғазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларини (плакатлар, варақалар ва бошқа материалларни) чиқариш ҳамда тарқатиш орқали; сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали амалга оширилади”. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, қонунда “депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар сайловолди ташвиқотини олиб боришнинг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турлари, шакллари, усуллари ҳам фойдаланишлари мумкин”лиги белгиланган.

Қонундаги яна бир янгилик шундан иборатки, муддатидан олдин овоз беришнинг муддат ва тартиби белгилаб қўйилди. Аввалги қонундаги нормага биноан сайлов кунинда ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчи участка сайлов комиссиясидан сайлов варақасини талаб қилиб олиш ва қарор қабул қилиб, ушбу қарорни ёпиқ конвертда қолдириш ҳуқуқига эга эди. Бироқ ушбу нормада муддатидан олдин овоз беришнинг муддатлари, шунингдек, тартиб-таомили назарда тутилмаганди. Шу муносабат билан қуйидаги янги қоида белгиланди ва унга мувофиқ, “муддатидан олдин овоз бериш сайловга 10 кун қолганида бошланади ва сайловга бир кун қолганида тугалланади”. Шунингдек, “муддатидан олдин овоз беришни ўтказиш вақти округ сайлов комиссияси томонидан белгиланади ва сайловчиларнинг, кузатувчиларнинг, оммавий ахборот воситалари вакилларининг эътиборига етказилади”. Шундай қилиб, қонунда муддатидан олдин овоз бериш тартиби батафсил белгиланган ва у мазкур тартиб-таомилнинг очиқ-ойдинлигини таъминлаш имконини беради.

Мазкур қонуннинг яна бир янгилиги шундан иборатки, «овоз бериш кунига қадар уч кун ичида, шунингдек, овоз бериш кунини жамоатчилик фикри

сўровлари натижаларини, сайлов натижалари тахминларини, ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни чоп этишга (эълон қилишга), шу жумладан, уларни умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқларига (шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғига) жойлаштиришга йўл қўйилмайди». Баъзи ҳолларда айнан мана шундай “сўровлар” орқали жамоатчилик фикрини ноҳолис ахборот бериш орқали чалғитиш мумкин. Бу эса сайловларнинг очиклиги, ошкоралиги ва холислигига путур етказди. Мазкур норма сайловчиларнинг ҳуқуқларини янада яхшироқ ҳимоя қилишга, у ёки бу номзодга нисбатан ноҳолис, янглиш, нотўғри муносабатни ҳамда сайловга оид қонун ҳужжатларининг бузилиши эҳтимолини истисно этишга имкон беради.

Шунингдек, қонунда кузатувчиларга Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш ва уларни сайлаш бўйича Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг конференциясида қатнашиш ҳуқуқи мустаҳкамланган. Ушбу ҳуқуқий механизм Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан депутатлар сайловининг янада ошкора ва очик-ойдин бўлишини таъминлаш имкониятини беради.

Ва яна бир илғор янгиликлардан бири. Қамоқда сақлаш жойларида ҳам сайлов участкаларини тузиш имконияти назарда тутилганлигидир. Ушбу норманинг жорий этилиши қамоқда сақлаш жойларида бўлган фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини амалга оширишни янада кенгрок таъминлаш имконини беради.

Маълумки, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилишни, маънавий қадриятларимизни, халқимизнинг урф-одатлари ва анъаналарини, бой тарихий меросимизни асраб-авайлаш ва бойитишни, миллий тикланиш ғоясини кенг тарғиб қилиш ва аҳоли онгига сингдиришни, ушбу ғоя асосида халқни Ватан тараққиётига, демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришга қаратилган яратувчилик ва ижодкорлик фаолиятига сафарбар этишни ўзининг асосий мақсадлари деб билади. Шу боис партиянинг сайловолди ҳаракат дастурида ҳам “миллий тикланиш – демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва очик фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнининг ажралмас қисми эканлигидан келиб чиқиб, миллий тажрибага асосланган, ўзимизнинг ислохотлар моделига таянган ҳолда сиёсий-ҳуқуқий маданиятни оширишда ҳамда демократик қадриятларни одамлар онгига сингдиришда фаол иштирок этиш” устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланган.

Ўзбекистон бизнинг тасаввуримизда – бу демократик йўлдан ривожланувчи, ижтимоий ва маънавий ҳаётнинг туб умуминсоний ҳамда кўп асрлик миллий қадриятлари муштараклигига асосланган мамлакатдир.

Миллий тикланиш – демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнининг ажралмас қисми ҳисобланади. Шу маънода партия демократик қадриятларни инсонлар онгига сингдириш ва мустаҳкамлашни муҳим вазифалардан бири деб ҳисоблайди.

## **МУСТАҚИЛ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ (ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВИ МИСОЛИДА)**

*Модомики, биз демократик ҳуқуқий давлат,  
фуқаролик жамияти барпо этиш каби эзгу мақсад сари  
интилаётган эканмиз, демократиянинг бош талаби  
бўлмиш эркин сайловларни муносиб ташкил қилиш биз  
учун ҳам қарз, ҳам фарздир<sup>3</sup>.*

Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар жараёнида сайловларнинг ўрни ва аҳамияти ниҳоятда муҳим бўлиб, сайловлар натижасида давлат ҳокимияти органлари ошкора янгиланиши билан бирга фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришдаги иштироки амалда таъминланади.

Сайловларни демократик талаб ва қоидаларига мос равишда ўтказиш кўп жиҳатдан сайлов тизимига боғлиқ бўлади. Бу хусусда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов қуйидаги фикрни билдирганлар: Жамиятимизни ривожлантириш борасида замон олдимизга қўяётган вазифаларни бажаришда шубҳасиз, сайлов тизимини янада такомиллаштириш ўта муҳим ва долзарб аҳамият касб этади.

Шунинг учун мамлакатимиз Асосий Қонунида сайлов тизимига алоҳида, мустақил боб бағишланган бўлиб, унда сайлов ҳуқуқининг кафолати бўлган умумэътироф этилган халқаро тамойиллар ва мезонларга риоя этилиши Конституциявий норма сифатида мустаҳкамлаб қўйилган.

Бундай ёндашув ЕХХТнинг инсонийлик мезонлари бўйича Копенгаген ҳужжати ва Парламентлараро Иттифоқ Кенгашининг “Эркин ва адолатли сайловлар мезонлари тўғрисида”ги Декларацияси нормаларига тўла мосдир.

Истиқлол йилларида жамиятимиз ижтимоий – сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий соҳалари босқичма – босқич ва изчил ривожлантириб борилганлиги натижасида юксак демократик талабларга жавоб берадиган сайлов тизим шаклланди ва қонун билан мустаҳкамланди.

Бунга кейинги йилларда мамлакатимизда бўлиб ўтган парламент ва Президент сайловлари ҳамда уларнинг амалий яқунлари ёрқин далилидир. Сайлов натижалари кишиларимиз ижтимоий онгида чуқур ўзгаришлар рўй берганлиги, уларнинг ижтимоий – сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий ва сиёсий маданияти даражаси беқиёс ўсганлигини намоён этди.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоси, Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист

<sup>2</sup> Юридик фанлар номзоди

<sup>3</sup> Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 62.

Ўзбекистон сайлов қонунчилигига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, округ сайлов комиссиялари ва участка сайлов комиссиялари томонидан ташкил этилиши ва ўтказилиши белгилаб кўйилган<sup>1</sup>.

Мазкур сайлов комиссиялари фаолиятининг тамойиллари қонунийлик, коллегиялик, ошкоралик, мустақиллик, адолатлиликдан иборат. Сайлов кампанияси даврида ушбу тамойилларга оғишмай амал қилиш ҳақиқий демократик сайловларни ўтказилишига, сайловчилар ўз хоҳиш-иродаларининг эркин билдиришларини таъминлашга кўмаклашади.

Сайлов комиссиялари ҳақидаги масалани ёритиш баробарида аввало, Марказий сайлов комиссияси ҳақида тўхталиб ўтиш ўринли бўлади. Зеро, Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссияси ва участка сайлов комиссияси фаолиятига нисбатан сайлов комиссиялари тизимида юқори турувчи тузилма ҳисобланади.

Демак, сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига биноан сайлов комиссиялари тизими доимий асосда иш олиб боровчи Марказий сайлов комиссияси ҳамда сайлов жараёнида ташкил этиладиган ва сайловлар ниҳоясига етганидан, шунингдек, сайланган депутатлар рўйхатга олингандан кейин ўз фаолиятларини тугатадиган округ ва участка сайлов комиссияларидан иборатдир.

Шу маънода, Марказий сайлов комиссияси ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширувчи марказий орган бўлиб, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига<sup>2</sup> мувофиқ тузилади.

Марказий сайлов комиссияси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги ҳамда референдум тўғрисидаги қонунларига ва бошқа қонунларига амал қилиб иш олиб боради. Марказий сайлов комиссияси, Олий Мажлис палаталари томонидан камида ўн беш аъзодан иборат таркибда тузилади. Марказий сайлов комиссиясининг аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг тавсияси бўйича Олий Мажлис палаталари томонидан сайланади. Марказий сайлов комиссияси раиси комиссия аъзолари орасидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномаси билан комиссия мажлисида сайланади. Раиснинг ўринбосари ва комиссия котиби комиссия аъзолари орасидан комиссия мажлисида сайланади. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайловлар юзасидан сайлов кампанияси бошланганлигини эълон қилади. Марказий сайлов комиссияси республика ҳудудида сайлов

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуни янги таҳрири // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003. – № 9–10. – 132-модда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998, № 5-6. - 95-модда.

тўғрисидаги қонунларнинг ижро этилишини назорат қилади ва уларнинг ҳамма жойда бир хилда қўлланилишини таъминлайди.

Ўз навбатида округ сайлов комиссиялари ҳақида фикр юритадиган бўлсак, округ сайлов комиссиялари фуқароларимизнинг сайлаш ва сайланишга оид барча манфаатларини рўёбга чиқариш ва ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш учун шарт-шароит яратишда катта роль ўйнайди.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуни 1-моддасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов ўтказишнинг асосий принциплари белгиланган бўлиб, унга кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси беш йил муддатга сайланадиган бир юз эллик депутатдан иборат бўлиб, Қонунчилик палатасининг бир юз ўттиз беш депутати ҳудудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланиши ҳамда Қонунчилик палатасининг ўн беш депутати Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланиши белгилаб қўйилган<sup>1</sup>.

Демак, Қонунчилик палатасига сайлов бир юз ўттиз бешта сайлов округи бўйича ўтказилади. Улар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг тақдимномасига биноан, Марказий сайлов комиссияси томонидан тузилади. Бунда сайлов округларининг чегаралари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг маъмурий-ҳудудий тузилишини инобатга олган ҳолда белгиланади, бироқ сайлов округлари тузилишида туманларнинг ҳудудий чегаралари роль ўйнамайди, яъни аҳоли сони тақсимланишида – сайловчилар сони кам бўлган бир нечта туман ҳудудида битта округ ёки битта туман аҳолиси иккита сайлов округига бириктирилиши ҳам мумкин.

1999 йилдаги парламент сайловида 250 та сайлов округи тузилган бўлиб, битта округга ўртача 50 минг сайловчи, 2004 йилдаги икки палатали парламент сайловида 120 та сайлов округи тузилган бўлиб, ҳар бир сайлов округига ўртача 120 минг сайловчи, 2009 йилдаги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси сайловида эса 135 та сайлов округи тузилган бўлиб, ҳар бир сайлов округига ўртача 127,5 минг сайловчи тўғри келган.

Округ сайлов комиссияси – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ташкил этиш ва ўтказиш учун Қонунда белгиланган тартибда ва муддатда Марказий сайлов комиссияси томонидан тузиладиган коллегиял органдир.

Агар бу борадаги хорижий тажрибага мурожаат қилсак, турли мамлакатларда сайловларни ташкил этишга ҳар хил ёндошилгани кузатишимиз мумкин. АҚШда ва Ғарбий Европа мамлакатларида сайловларни ташкил этиш ижро этувчи ҳокимият органлари ва унинг хизматчиларига юклатилган. Хусусан, Италия, Франция ва Японияда сайловларни ички ишлар вазирлиги

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуни янги таҳрири // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008. – № 12. – 637-модда.



ташқил этади ва ўтказди. Бельгия ва Испанияда сайлов органларига хатто суд ҳокимиятининг вакиллари раҳбарлик қилишади. Шу билан бирга, сайлов органларида сиёсий партияларнинг вакиллари ҳар доим ҳам, ҳамма мамлакатларда ҳам иштирок этишмайди.

Кўпчилик мамлакатларда, шу жумладан Ўзбекистонда бирон-бир давлат ҳокимияти тармоғи таркибига кирмайдиган мустақил сайлов органларини шакллантирилиши қабул қилинган бўлиб, бу кўпчилик томонидан эътироф этилган энг демократик усул саналади.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг 9-моддасида Қонунчилик палатасига сайлов Марказий сайлов комиссияси; округ сайлов комиссиялари; участка сайлов комиссиялари томонидан ташқил этилиши ва ўтказилиши тўғрисидаги қоида мустақамланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларини тузиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонунининг 12-моддасида белгиланган бўлиб, унга мувофиқ округ сайлов комиссияси Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловга камида етмиш кун қолганида комиссиянинг раиси, раис ўринбосари, котиби ва камида олти нафар бошқа аъзосидан иборат таркибда тузилади. Округ сайлов комиссиясининг шахсий таркиби Марказий сайлов комиссиясининг қарори билан тасдиқланади.

1999 йилдаги парламент сайловида округ сайлов комиссиялари ишига 2250 киши, 2004 йилдаги икки палатали парламент сайловида округ сайлов комиссияларига 1108 киши, 2009 йилдаги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси сайловида эса округ сайлов комиссияларига 1597 киши жалб қилинган<sup>1</sup>.

Округ сайлов комиссиясига ўз юрисдикцияси остидаги сайлов округида сайлов жараёнини самарали ташқил этиш бўйича етарли даржада ваколатлар берилган бўлиб, улар сайлов комиссияларининг тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятлари сифатида ифодаланган.

Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун белгиланган тартибда участка сайлов комиссиялари тузилади. Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига сайловни ўтказиш учун участка сайлов комиссияси округ сайлов комиссияси томонидан тузилади. Участка сайлов комиссияси сайловга камида қирқ кун қолганида беш-ўн тўққиз нафар аъзодан, шу жумладан раис, раис ўринбосари ва котибдан иборат таркибда тузилади. Агар комиссия етти нафаргача аъзодан иборат таркибда тузилса, раис ва котиб сайланади. Участка сайлов комиссиясининг шахсий таркиби округ сайлов комиссиясининг қарори билан тасдиқланади.

1999 йилдаги Олий Мажлисга сайловда 7723 та сайлов участкаси тузилган бўлиб, уларнинг 38 таси Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари ҳузурида, 2004 йилдаги икки

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг жорий архиви.

палатали парламент сайловида 8047 та сайлов участкаси тузилган бўлиб, уларнинг 40 таси Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари ҳузурида, 2009 йилдаги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси сайловида 8447 та сайлов участкаси тузилган бўлиб, уларнинг 44 таси Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари ҳузурида тузилган<sup>1</sup>.

Участка сайлов комиссияси аъзолари сони заруриятга қараб белгиланган доирада округ сайлов комиссияси томонидан кўпайтирилиши ёки камайтирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида участка сайлов комиссияси раисининг вазифаларини ушбу идора раҳбари амалга оширади.

Участка сайлов комиссияси таркибининг сони зарур ҳолларда кўпайтирилиши ёки камайтирилиши мумкин.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси сайловини ташкил этиш ва ўтказишда участка сайлов комиссиясининг ўз ваколатларини амалга оширишда сайлов участкаси муҳим бўғин ҳисобланади.

Сайлов участкаси – сайловчиларни тегишли маълумотлар билан, барча сайлов ҳуқуқига эга фуқароларнинг овоз беришда иштирокини ҳамда берилган овозларни ҳисоблаб чиқишни таъминлайдиган, сайловчилар рўйхати тузиладиган ва ҳаммага маълум қилиш мақсадида ташкил қилинадиган ҳудудий бирлик бўлиб, сайлов участкасининг чегаралари тегишли сайлов округи доирасидан чиқиб кетмаслиги керак.

Шу боис қонун ҳужжатларида сайлов участкасини тузиш тартиби ва нормасига оид қоидалар аниқ белгиланган бўлиб, унга кўра сайлов участкалари туманлар, шаҳарлар, шаҳарлардаги туманларнинг чегараларини инобатга олган ҳолда, сайловчиларга мумкин қадар кўпроқ қулайлик яратиш мақсадида тузилади. Сайлов участкаларининг қулай жойларда жойлашиши нафақат овоз бериш кунда, шу билан бирга бутун сайлов жараёнида фуқароларнинг у ерга бориши ҳамда сайлов жараёни билан бевосита танишиши учун кенг имкониятларни яратади. Сайлов участкаларининг чегаралари тегишли сайлов округи доирасидан чиқиб кетмаслиги ва имкони борича, бир участка ҳудуди бир туман ёки шаҳар ҳудуди билан мос туриши талаб этилади.

Маъмурий ҳудудлардан ташқари сайлов участкалари ҳарбий қисмларда ҳам тузилади ва қисм жойлашган ердаги сайлов округига киради. Қонунда бундай қонуннинг белгиланиши ҳарбийлар фаолиятининг ўзига хос хусусиятга эга эканлигидан келиб чиққан бўлиб, уларга бевосита хизмат ҳудудида овоз бериш имкониятини таъминлайди. Қолаверса, ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзоларини ва бошқа ҳарбий қисм ҳудудида истиқомат қилувчи сайловчиларни сайлаш ҳуқуқига эга бўлган бошқа сайловчилар билан тенг сайлов ҳуқуқини амалга оширишга шароит яратади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг жорий архиви.

Шунингдек, давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига сайловни ташкил этиш ва ўтказишни тартибга солувчи қонунларда умумий тартибда тузиладиган сайлов участкаларидан ташқари яна қуйидагича сайлов участкаларининг тузилиши мумкинлиги ҳам мустаҳкамланган:

– Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари (элчихона, консуллик хизмати) ҳузурида тузиладиган сайлов участкалари (бу турдаги сайлов участкаси фақат Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига сайловда тузилади);

– санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида тузиладиган сайлов участкалари;

– олис ва бориш қийин бўлган ерлардаги фуқаролар турган жойларда тузиладиган сайлов участкалари;

– қамокда сақлаш жойларида сайлов участкалари тузилиши мумкин<sup>1</sup>.

Бундай сайлов участкаларининг тузилиши турли сабабларга кўра (хизмат сафари, бетоблик ва ҳоказо) яшаш жойида бўлмаган ёки олис ва бориши қийин бўлган жойлардаги фуқаролар – сайловчиларнинг сайлов ҳуқуқларини кафолатлашга хизмат қилади ҳамда уларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги иштирокини таъминлайди.

Ўзбекистондан ташқарида тузиладиган сайлов участкаларини қайси сайлов округига бириктириш тўғрисидаги масала Марказий сайлов комиссияси томонидан ҳал этилади. Қолган сайлов участкалари эса улар қайси сайлов округи ҳудудида жойлашган бўлса, шу округ таркибига киради.

Шундай қилиб, мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси сайловини ташкил этиш ва ўтказиш мақсадида мустақил сайлов комиссияларини шакллантириш мустаҳкам ҳуқуқий негиз асосида амалга оширилади.

---

<sup>1</sup> «Сайлов эркинлиги янада таъминланиши ва сайлов қонунчилиги янада ривожлантирилиши муносабати билан “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги ҳамда “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни // Халқ сўзи, 2012 йил 20 декабрь.

## **САЙЛОВ ЖАРАЁНИНИНГ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ТОМОНИДАН ЁРИТИЛИШИ**

Ўзбекистон Республикаси кучли демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидан босқичма-босқич ривожланиб бормоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар кўп қиррали ва изчил давом этадиган жараён бўлиб, унда ижтимоий-сиёсий барқарорлик ҳамда демократик янгилишнинг сифати ва самараси кўп жиҳатдан жамоатчилик фикрининг ҳолатига боғлиқ. Шу жиҳатдан олганда, жамоатчилик фикрини шакллантиришда муайян ижтимоий институтлар, хусусан, оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин эгаллайди.

Оммавий ахборот воситалари эркин демократик сайловларни ўтказишнинг муҳим бўғини ҳисобланади. Эркин ва адолатли сайловларнинг мазмун-моҳияти фақат мақбул муҳитда ўз овозини беришдан иборат эмас, балки сайлов жараёнларида барча сайловчиларга сайловда иштирок этаётган сиёсий партиялар, рўйхатга олинган депутатликка номзодларнинг сайловолди дастури, шунингдек, сайлов жараёнининг моҳияти ҳақида тўлиқ ахборот олиш шарт-шароитлари таъминланиши лозим. Бунинг натижасида сайловчилар тўлиқ ва етарли ахборот асосида ўзлари онгли равишда муносиб номзодни танлаб овоз бериш имконига эга бўлишлари лозим.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, сайлов кампанияларида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти миллий қонунлар билан бирга, халқаро даражада қабул қилинадиган ҳужжатларга ҳам боғлиқдир. Бинобарин, халқаро ҳуқуқдаги фундаментал принциплар икки жиҳатни ўз ичига олади:

- фикр билдириш эркинлиги ва ахборот эркинлиги;
- сайловларда иштирок этиш орқали мамлакатни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи.

Ушбу ҳуқуқлар БМТ томонидан 1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 19 ва 21-моддаларида, шунингдек инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ доирасида кейинчалик қабул қилинган қатор ҳужжатларда ўз аксини топган<sup>3</sup>.

Маълумки, шаклланиб келаётган ҳозирги ахборот жамиятида оммавий ахборот воситаларига фақат ахборот олишнинг оддий воситаси сифатида қаралмайди. Зеро, мазкур институт нафақат оммавий онгга таъсир этиш имкониятига эга, балки жамиятда юриш – туриш, хулқ-атвор қоидаларини

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Котибияти Матбуот хизмати раҳбари

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходими

<sup>3</sup> Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, 1948 йил 10 декабрь; Ирқий камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги халқаро конвенция, 1965 йил 21 декабрь; Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, 1966 йил 19 декабрь; БМТ Бош Ассамблеясининг 2003 йил 22 декабрда қабул қилинган 58/189-сон резолюцияси ва б.

шакллантиришнинг муҳим воситаси сифатида ҳам майдонга чиқади. Бинобарин, бундай шароитда оммавий ахборот воситаларининг фаолияти жамиятнинг барча қатламларига қаратилган бўлиши, уларнинг манфаатларини кўзлаб, умуминсоний тамойиллар асосида, эркинлик ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашга йўналтирилмоғи лозим.

Шу жиҳатдан олганда, мамлакатимизда фаолият юритаётган оммавий ахборот воситалари 2009 йилнинг декабр ойида ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнининг барча босқичларида фуқароларнинг умумий хабардорлигини таъминлаш, ҳуқуқий ахборотлаштириш, уларнинг ушбу сиёсий тадбирдаги фаоллигини таъминлаш, бир сўз билан айтганда, мазкур жараённинг демократик асосларда ўтишини таъминлашнинг муҳим бўғини сифатида майдонга чиқди. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз сайлов қонунчилигида оммавий ахборот воситаларининг сайлов кампаниясини ёритиб бориш, сайловларнинг адолатли ҳамда қонуний ўтишига билвосита кўмаклашиш имконияти ҳуқуқий кафолатланган. Бинобарин, ушбу кафолатлар оммавий ахборот воситаларининг мамлакатимиз сайлов тўғрисидаги қонунларида назарда тутилган ҳуқуқ ва эркинликлари, мақсад ва вазифалари, бурч ҳамда масъулияти билан ўзаро уйғунлик касб этади.

Албатта, ушбу ўринда, сайлов жараёнлари оммавий ахборот воситаларида қандай тарзда ёритилади, деган савол туғилиши табиий.

Бу борадаги илғор халқаро тажрибага ва ўзимизнинг тобора такомиллашиб бораётган миллий сайлов амалиёти натижаларига асосланадиган бўлсак, мамлакатимиздаги барча оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарликнинг бориши ва сайлов қандай ўтаётганлигини кенг ёритишлари улар фаолиятининг асосий йўналишларидан бири эканлигига амин бўламиз.

Дарҳақиқат, мазкур жараённи сайловчилар учун тушунарли ҳамда холис ёритиш оммавий ахборот воситаларининг муҳим вазифаси саналади.

Таъкидлаш жоизки, эркин ва адолатли сайловлар нафақат муайян муҳитда фуқароларнинг ўз овозларини бериш имконияти таъминланганлиги, балки уларнинг тегишли номзодлар ва умуман бутун сайлов жараёни тўғрисидаги ахборотларга доир ҳуқуқларни кафолатлаш билан ҳам амалга оширилади. Зеро, ҳар бир сайловчи ўзининг муайян номзодга бўлган овозини ушбу номзод ҳақида тўлиқ маълумотларга эга бўлган тақдирдагина ишончли ва асосли бериши мумкин. Шу жиҳатдан олганда, демократик сайловларни эркин ва мустақил оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бунда оммавий ахборот воситалари сайлов комиссиялари фаолияти тўғрисида фақат расмий маълумотларни бериш билан чекланиб қолмасдан, балки, **қуйидаги йўналишлар асосида** фаолият юритиши орқали ҳам ушбу жараённинг тўлақонли фаол иштирокчиси сифатида қатнашадилар:

**Биринчидан,** сайловчиларни мазкур демократик ҳуқуқларини қай тартибда амалга оширишга ўргатиш. Бунда оммавий ахборот воситалари вакиллик органлари сайловининг мазмун-моҳияти ва унинг мамлакатимиз

кейинги ижтимоий-сиёсий тараққиётидаги аҳамияти ҳамда сайловлар юзасидан миллий амалиётимизнинг хусусиятлари ва бу борадаги хорижий тажриба ҳақида кенг кўламли ахборот ва маълумотлар бериб борадилар;

**Иккинчидан**, жамоатчиликни сайлов жараёнининг бориши тўғрисида доимий ва тизимли равишда хабардор қилиб бориш. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарликнинг бориши ва сайлов қандай ўтаётганлигини ёритиб борадилар. Оммавий ахборот воситалари ушбу йўналиш бўйича фаолият юритиш баробарида:

- давлат ҳокимияти вакиллик органлари сайловига тайёргарликнинг бориши ва сайлов билан боғлиқ семинар-тренинглари, конференция ва форумлар, давра суҳбатлари, турли хил бошқа тадбирларнинг қандай ўтаётганини изчил ёритиб борадилар;

- Марказий сайлов комиссиясининг мажлислари ва бошқа тадбирлари юзасидан маълумот берадилар;

- Марказий сайлов комиссияси эълон қилиш учун тақдим этган қарорлар, бошқа ҳужжатлар ва материалларни қонун доирасида эълон қиладилар;

- сайлов округлари, участкалари тузилганлиги, округ ва участка сайлов комиссиялари таркиби, улар жойлашган ери ва иш вақтидан воқиф этадилар, сайловда иштирок этаётган сиёсий партиялар билан таништирадилар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодлар хусусидаги маълумотлар беради, овоз беришнинг бориши ва сайлов якунларидан хабардор қиладилар.

**Учинчидан**, депутатликка номзодлар ва уларни кўрсатган сиёсий партияларга ўз сайловолди дастурларини электоратга етказиш учун минбар вазифасини ўтайдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман, ва шаҳар Кенгашлари сайловида номзодлар ва уларни кўрсатган сиёсий партиялар томонидан амалга ошириладиган сайловолди ташвиқоти муҳим аҳамият касб этадиган босқич ҳисобланади. Ушбу фаолиятни амалга оширишда оммавий ахборот воситаларига кенг ўрин берилади. Оммавий ахборот воситалари ўзининг эфир вақти ёки саҳифасини тегишли сайлов субъектларига тақдим этар экан, бунда сайлов қонунчилигининг ҳар қандай партия, гуруҳ ва шахсий манфаатлардан устунлигини эътироф этиши, ана шу ҳуқуқий воситалар негизида юзага келадиган ҳалол сиёсий рақобат, сиёсий одоб доирасидаги адолатли баҳсларда сайлов кампанияси субъектларининг ижтимоий масъуллигига эътиборни қаратиши, уларнинг ёлғон шиорлардан фойдаланишига, аҳоли ўртасида сунъий равишда ишончсизлик ва кўрқув тарқатишига шарт-шароит яратиш бермасликлари лозим.

Таъкидлаш жоизки, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига

киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга биноан оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш сайловолди ташвиқотининг усулларидан бири сифатида белгиланган<sup>1</sup>.

Сайловолди ташвиқотини олиб бораётганда давлат оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга ҳажмига кўра бир хил бўлган эфир вақти ва нашр майдонини бепул бериш йўли билан тенг шароитлар таъминланади.

Депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга давлат оммавий ахборот воситаларида ҳақ эвазига ҳам эфир вақти ёки нашр майдони ажратилиши мумкин.

Депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга нодавлат оммавий ахборот воситаларида қонун ҳужжатларига мувофиқ эфир вақти ёки нашр майдони ажратилиши мумкин.

Сайлов жараёнида оммавий ахборот воситалари тегишли субъектлар учун ошкоралик ва очиқлик муҳитини яратишга кўмаклашишлари ва улар билан боғлиқ ҳар қандай очиқ ахборотни тезкорлик билан, ҳаққонийлик, тенглик ва холислик асосида тарқатишлари талаб этилади.

**Тўртинчидан**, оммавий ахборот воситалари давлат ҳокимияти вакиллик органлари сайловларининг бориши жараёни устидан жамоатчилик назоратини амалга оширадilar. Сайлов жараёнининг бориши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишнинг асосий усулларидан бири – бу жамоатчиликни мазкур органлар фаолияти тўғрисида очиқ ва ҳаққоний хабардор этиш ҳисобланади. Ўта муҳим бўлган ушбу вазифани бажаришда фуқаролик жамиятининг муҳим институти ҳисобланган оммавий ахборот воситаларига алоҳида аҳамият берилади. Бинобарин, улар сиёсий партиялар, жамоат ва нодавлат ташкилотлари билан биргаликда сайловлар жараёнида ижтимоий мувозанатни юзага келтириш вазифасини ўтайдилар.

Шу билан бирга, оммавий ахборот воситалари томонидан сайлов жараёнларини ёритишда шартли равишда **уч усулни** ажратиб кўрсатиш мумкин.

**Биринчидан**, воқеаларни таҳририй ёритиш. Бу усул кенг маънода янгиликлар дастурлари ва босма материалларнинг барча жиҳатларига тааллуқли: очерклар, кундалик воқеалар ҳақидаги ахборотлар ва турли нуқтаи назарларни акс этадиган материаллар. Яъни шу мазмундаги материаллар ОАВ таҳририй назорати остида бўлади.

**Иккинчидан**, номзоднинг ОАВдан бевосита фойдаланганида ёритиш. Сиёсий рекламани тартибга солиш ёки номзоднинг ОАВдан бевосита фойдаланганида сайлов жараёнини эркин ёритиш учун турли хил тизимлар мавжуд. Бу сайловларнинг партиялар ёки номзодларнинг таҳририй ёритиши остида бўлган қисмини ёритишга тааллуқлидир.

---

<sup>1</sup> Қаранг: “Сайлов эркинлиги янада таъминланиши ва сайлов қонунчилиги янада ривожлантирилиши муносабати билан “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги ҳамда “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни”// “Халқ сўзи”, 2012 йил 20 декабрь.

Номзодларнинг дебатлари, шунингдек уларнинг давра суҳбати доирасидаги интервьюлари сайлов кампаниясига бағишланган телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришларда кўп учрайди.

**Учинчидан**, сайловчиларни хабардор қилиш ва уларнинг билимлари доирасини кенгайтириш. Ушбу масалага сайлов комиссиялари асосий эътиборини қаратади. Чунки ҳар бир сайловчи ўзининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, овоз бериш тартиботи, сайлов бюллетенини ёки варақасини тўлдириш, овоз бериш тартиби каби масалалардан хабардор бўлиши лозим. Айнан шу жиҳатдан ОАВнинг ўрни ва аҳамияти шубҳасиздир.

Оммавий ахборот воситалари иштирокида сайлов субъектлари жамият билан алоқага киришади, яъни ўз нуқтаи назарини сайловчиларга етказиб, жамиятдаги ҳолат ва сайлов жараёнининг боришига нисбатан жамоатчиликнинг муносабати тўғрисида объектив ахборот олади, аҳоли эса, ўз навбатида, у ёки бу ҳолат юзасидан тегишли субъектларнинг фаолияти тўғрисида маълумотга эга бўлади ва оммавий ахборот воситалари орқали муайян даражада унинг моҳиятига таъсир ўтказиши мумкин.

Оммавий ахборот воситалари ҳар қандай сайлов субъектларига ўз фикрларини эълон қилиш имкониятини бериб, давлат ва нодавлат тузилмаларига нисбатан ўзига хос таъсир кучи яратади. Бу таъсир жамоатчилик фикрини вужудга келтириши, ҳокимият ва бошқарув органларини тегишли қарор қабул қилишга, бузилган ҳуқуқни тиклаш ёки ҳуқуқни ҳимоя қилиш жараёнини амалга оширишга, кишиларда ҳуқуқий онг ва маданиятнинг шаклланишига асос бўлиши мумкин.

Шу билан бирга, жамиятнинг турли институтлари ҳам оммавий ахборот воситалари фаолиятини муайян даражада назорат қиладилар, чунки ахборот соҳасида глобаллашув жараёни кечаётган бугунги кунда айрим оммавий ахборот воситалари муайян гуруҳларнинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий манфаатлари учун хизмат қилишлари мумкин. Албатта, бундай шароитда, оммавий ахборот воситалари мазкур кучларнинг манфаатларини амалга оширувчи ҳамда жамият онгига кучли таъсир ўтказувчи манипулятив воситага айланиб қолиш хавфи юзага келади. Бундай салбий ҳолатларнинг юзага келмаслиги учун оммавий ахборот воситалари фаолияти тегишли қонунчилик асосида муайян механизмлар орқали назорат қилиб борилади.

Сайловлар жараёнида оммавий ахборот воситалари томонидан амалга ошириладиган жамоатчилик назорати сайловчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари нафақат давлат томонидан қафолатланганлигини, балки давлат органлари фаолиятида уларнинг устувор бўлишини ҳам муайян даражада таъминлайди.

Таъкидлаш жоизки, оммавий ахборот воситаларининг сайлов жараёнида жамоатчилик назоратини амалга оширишларига имкон берадиган ҳуқуқий асослар тегишли қонунчиликда мустаҳкамлаб қўйилган. Хусусан, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонунга биноан сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қатнашиш



ҳуқуқига эгадирлар. Албатта бунда, қонунчиликка биноан уларнинг ваколатлари тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши керак.

Оммавий ахборот воситалари давлат ҳокимияти вакиллик органлари сайлови жараёнида сайловчиларни хабардор қилишда ҳолис ва ҳаққоний бўлишлари, номзодлар ва партияларнинг тенглиги тамойилини бузмасликлари керак. Айнан ушбу ҳолат оммавий ахборот воситаларининг мазкур жараёнда амалга оширадиган фаолиятининг хусусияти ҳисобланади.

Таъкидлаш жоики, демократик сайловларни эркин ва мустақил оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу маънода айтиш мумкинки, сайлов жараёнларида юқорида кўрсатилган йўналишлар асосида фаол иштирок этаётган хорижий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакилларининг сони тобора ортиб бормоқда. Буни қуйидаги мисоллардан ҳам кўришимиз мумкин, яъни, 1994 йилги парламент сайловида жами 475 та оммавий ахборот воситалари сайлов жараёнини ёритган бўлса, 2004 йилги қонунчилик ва вакиллик ҳокимияти органларига ўтказилган сайловларда уларнинг сони 928 тани ташкил қилган<sup>1</sup>. 2007 йил декабрдаги Ўзбекистон республикаси Президенти сайловини ёритишда эса 300 га яқин хорижий журналистлар, мингдан ортиқ маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси орқали сайлов жараёнлари ҳақидаги хабарлар нафақат Ўзбекистон ҳудудига, балки сунъий йўлдош орқали 100 дан ортиқ хорижий давлатларга ҳам узатилди.

2009 йилги парламент сайловини ёритишда 200дан зиёд хорижий ва 500дан ортиқ миллий оммавий ахборот воситалари иштирок этди. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан мамлакатимиз ва чет эл ОАВнинг қарийб 230 вакиллари аккредитациядан ўтказилди. Бундан ташқари ҳудудий ОАВнинг 400га яқин журналистлари жойларда – Қорақалпоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар сайлов комиссиялари ҳузурида аккредитациядан ўтди<sup>2</sup>.

Юқоридагилардан хулоса қилиб таъкидлаш жоизки, бугунги кунда мамлакатимизда сайлов субъектлари ўртасида эркин ахборот алмашинувини, сайлов жараёнининг адолатли, демократик талаблар асосида ўтишини ҳамда сайловчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўла амалга оширишларини таъминлашда оммавий ахборот воситалари муҳим аҳамият касб этиб, улар томонидан ушбу мақсадга эришиш учун барча ҳуқуқий ва ташкилий асослар яратилганлиги бунинг яққол далилидир.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг жорий архиви.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ахборотномаси. – Т., 2010, № 1-2 (23-24). -Б.180.

## САЙЛОВ ТИЗИМИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛДИ

*Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда демократиянинг асосий тамойили – сайлов ҳуқуқи, инсонлар ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиши, давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини таъминлаш учун зарур қонунчилик ва ҳуқуқий майдон, реал имкониятлар яратилди. Шубҳасиз, Ўзбекистон Конституциясида ўз ифодасини топган ушбу тизимга оид принциплар миллий давлатчилигимиз моделининг пойдевори ҳисобланади. Бинобарин, бу борадаги тизимли чора-тадбирлар изчил давом эттирилмоқда.*

*Эътиборлиси, сайлов қонунчилигимиз изчил ривожлантирилиб, такомиллаштирилмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан имзоланиб, матбуотда эълон қилинган “Сайлов эркинлиги янада таъминланиши ва сайлов қонунчилиги янада ривожлантирилиши муносабати билан “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги ҳамда “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонун бунинг ёрқин тасдиғидир. Кўплаб экспертларнинг фикрича, ушбу тузатишлар сайлов эркинлигини янада кенг таъминлаш ҳамда сайлов қонунчилигини ривожлантиришига қаратилгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир.*

*Ушбу қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда, шунингдек жамоатчилик иштирокида муҳокама қилишда ва қонун қабул қилинганидан сўнг турли тадбирлар, анжуманларда, оммавий ахборот воситаларида миллий ва хорижий экспертлар, сиёсий партиялар етакчилари томонидан кўп фикрлар билдирилди. Уларнинг айримларини қуйида эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.*

**Дьёрдь САБО, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХХТ) Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси:**

– Сайловлар демократиянинг муҳим шарти ҳисобланади. Истиқлолга эришгач, ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамиятини қуриш йўлини танлаган Ўзбекистонда қисқа муддат ичида бу борада кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Ўтган вақт давомида мамлакатингиз парламентида ўтказилган сайловлар пухта ишлаб чиқилган миллий қонунчилик асосида ва халқаро меъёрларга мос тарзда ташкил этилди. Биз сайловларни ташкил қилиш ва ўтказиш, сайлов қонунчилигини халқаро стандартлар эътиборга олинган ҳолда уйғунлаштириш масалалари бўйича Ўзбекистон Марказий сайлов комиссияси ва парламенти билан яқин ҳамкорлик қилмоқдамиз. Мамлакатингизда сайлов қонунчилиги мунтазам равишда такомиллашиб бораётганлиги эътиборга лойиқдир ва бу сайлов жараёнини демократлаштиришнинг муҳим омили ҳисобланади”.

**Пьер ШАБАЛЬ, Гавр университети профессори (Франция):**

– Франция сайлов қонунчилиги икки юз йиллик тарихга эга, лекин ҳалигача унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Мамлакатингизда қисқа вақт – мустақил ривожланишнинг 21 йили давомида демократия талабларига

жавоб берадиган миллий сайлов қонунчилиги шаклланиб, мунтазам такомиллаштирилаётгани Ўзбекистоннинг демократик жамият куришга интилаётганидан ёрқин далолатдир. Бунда асосий эътибор сайловларни адолат мезонлари асосида, тенг ҳуқуқлилиқ, очиқ-ошкоралиқ принциплари бўйича ўтказишга қаратилмоқда. Мазкур қонун лойиҳаси бу борадаги ишларнинг мантикий давомидир. Масалан, кузатувчиларга, шу жумладан, хорижий кузатувчиларга Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Қонунчилик палатаси депутатларини сайлаш бўйича конференциясида иштирок этиш ҳуқуқининг берилиши сайловларнинг очиқ ва ошкоралигини таъминлайди”.

**Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари:**

– Аввало, таъкидлашни истардимки, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш, сайлов қонунчилигини ривожлантиришга оид қонунчилик ташаббуслари сайлов жараёнлари ва сайлов тизимини янада демократлаштириш бўйича олиб борилаётган барча ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқди.

Мазкур стратегик ҳужжатдаги устувор вазифалардан келиб чиқиб, сайлов қонунчилигига фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокига оид конституциявий ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган бир қатор нормалар киритилди. Хусусан, “Сайловолди ташвиқоти” тушунчасига аниқ таъриф берилди.

Янги Қонунга сайловолди ташвиқоти самарадорлигини ошириш мақсадида уни олиб бориш турлари, шакллари ва усуллари белгилаб берилди. Шу асосда уларда сайловолди ташвиқотининг халқимизга хос менталитет ва қадриятлар билан муштарак демократик турлари, шакллари ва усуллари мустаҳкамланди. Булар кўплаб ривожланган давлатлар (АҚШ, Канада, Испания ва бошқалар)нинг қонунчилик амалиётига ҳам мосдир.

Умуман олганда, ушбу Қонун сайлов эркинлиги принципини янада тўлиқроқ рўёбга чиқариш, мамлакат сайлов тизимини янада демократлаштиришга хизмат қилади.

**Оно КОДЖИ, Нагоя университетининг ҳуқуқ факультети профессори (Япония):**

– Сайловолди ташвиқотини амалга оширишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш – сиёсий партиялар ва депутатликка номзодлар учун ўз дастур ҳамда ғояларини кенг жамоатчиликка етказишнинг энг қулай ҳамда самарали воситасидир. Ўзбекистон сайлов қонунчилигида бу борада тегишли нормалар мавжуд. Бироқ, янги қонун лойиҳасида улар янада аниқ тартибга солинмоқда. Жумладан, нафақат даврий матбуотда барча сиёсий партиялар ва депутатликка номзодларга бир хил бепул эфир вақти ва нашр майдонининг ажратилиши, балки шу мақсадда нодавлат оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартибининг белгиланиши сайлов кампанияси

давомида тенглик ва холисликни таъминлашга хизмат қилади. Бундан ташқари, оммавий ахборот воситалари орқали сайловолди ташвиқотини олиб бориш шакллари қонунчилик даражасида аниқ белгилангани, шунингдек, депутатликка номзодлар шаъни, кадр-қимматига путур етказувчи маълумотларнинг тарқатилиши тақиқлангани ҳам жуда муҳимдир".

**Собир ТУРСУНОВ, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари:**

– Инсоннинг асосий ҳуқуқлари ва мустақиллиги эркинлик, адолатлилик, тенглик, масъулият, сиёсий ва мафкуравий плюрализмга ҳурмат ҳамда бағрикенглик билан муносабатда бўлиш фазилатлари қарор топган шароитдагина амалга ошади. Ушбу масалалар фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари, уларнинг хоҳиш-иродасини эркин ифода этиш, участка комиссиялари фаолиятида шаффофлик, қонунбузилишларига йўл қўймасликни таъминлаш билан узвий боғлиқдир. Шу маънода, тегишли ҳуқуқий ҳужжатларда муддатидан олдин овоз бериш тартиби ва жараёнларини аниқ кўрсатиб ўтиш, шунингдек, қамоқда сақлаш жойларида сайлов участкалари ташкил этиш имконияти мустаҳкамланиши бу борада муҳим ўрин тутди. Бинобарин, янги Қонунда муддатидан олдин овоз бериш сайловга ўн кун қолганида бошланиши ва сайловга бир кун қолганида тугалланиши белгилаб қўйилди. Уни ўтказиш вақти эса округ сайлов комиссияси томонидан белгиланади ва сайловчиларнинг, кузатувчиларнинг, оммавий ахборот воситалари вакилларининг эътиборига етказилади. Булар муддатидан олдин овоз бериш жараёнлари шаффофлигини таъминлайди.

Қайд этиш лозимки, овоз беришнинг кўрсатиб ўтилган тартиблари тараққий топган мамлакатлар қонунчилиги ва амалиётига тўғри келади. Қолаверса, шу каби тартиблар ўрнатилмаган давлатларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари, уларнинг эркин хоҳиш-иродаси, сайлов комиссиялари фаолиятидаги шаффофликни таъминлаш борасида қонунбузилиш ҳолатлари қайд этилмоқда.

Мухтасар айтганда, янги Қонундаги мазкур нормаларнинг фуқаролар сайлов ҳуқуқларини таъминлашни янада яхшилашда таъсири бекиёс. Бу эса мамлакатимизда инсонпарвар сиёсат юритилаётгани, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари энг олий қадрият сифатида эъзозланаётганининг яна бир ёрқин мисолидир.

**Владимир МЕСАМЕД, Қуддус университети профессори (Исроил):**

– Янги қонуннинг ишлаб чиқилиши – мамлакат сайлов қонунчилигини янада демократлаштириш ва унга халқаро нормаларни имплементация қилиш бўйича навбатдаги муҳим қадамдир. Масалан, унда сайловчининг муддатидан олдин овоз бериш ҳуқуқига эгаллиги ва уни амалга ошириш тартиби аниқ белгиланган. Сайловчиларга бундай ҳуқуқнинг берилиши Ўзбекистонда инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланганидан ёрқин далолатдир. Исроилда ҳам бошқа кўплаб давлатлардаги каби бундай тизим амал қилмоқда ва фуқаролар ундан самарали фойдаланмоқда".

**Улугбек ВАФОЕВ, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари:**

– Сайлов ҳуқуқларига хос умумэтироф этилган принципларни рўёбга чиқаришнинг муҳим шarti ва кафолати, бу – сайловларда миллий ҳамда халқаро кузатувчиларнинг иштирок этишидир.

Сайловларга оид қонунчиликда ҳар бир номзод, ҳар бир сиёсий партия қонунларда ўрнатилган тартибга мувофиқ, овоз бериш куни сайлов ўтказиладиган бинода кузатишни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган ўз кузатувчиларини сайлов комиссияларига тайинлаш ҳуқуқига эгаллиги қайд этилган. Ўз навбатида, тегишли ҳуқуқий ҳужжатларга сиёсий партияларнинг “ваколатли вакили” деган янги институт киритилиб, унга имзо варақаларининг тўғри тўлдирилишини текширишда, сайлов участкаларида овозларни санаб чиқишда иштирок этиш ҳуқуқи берилди, шунингдек, депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари институти ҳам жорий этилди. Алоҳида қайд этиш лозимки, бугунги кунда ЕХХТга аъзо бўлган айрим давлатларда хорижлик кузатувчиларнинг сайловларда иштирок этишига йўл қўйилмайди. Ана шундай шароитда ҳам Ўзбекистон қонунчилигида юқоридаги каби нормаларнинг мавжудлиги мамлакатимиз ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини куриш йўлидан босқичма-босқич ва олға юраётганининг муҳим кўрсаткичидир.

Умуман, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг фикрича, янги Қонун фуқароларнинг сайлов эркинлиги ва хоҳиш-иродаси принциплари, ҳар кимга давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ҳамда сайланишдек конституцион ҳуқуқларини тўлиқ амалга ошириш имконини беради. Бу эса миллий давлатчилигимиз асосида ўз ифодасини топган.

Мазкур Қонун депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар учун сайловолди ташвиқотини амалга оширишда тенг шароитлар яратади, халқ ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиши, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокининг асосий шакли – сайловлардаги очиклик ва ошкораликни таъминлайди.

**Богдана БАБИЧ, Амалий сиёсат институти директори (Украина):**

– Янги қонун лойиҳасига кўра, сайловолди ташвиқотини амалга ошириш турлари, шакллари ва усуллари, жумладан, тегишли босма, аудиовизуал ва бошқа материалларни чиқариш ва тарқатиш, сайловчилар билан учрашувлар ташкил этиш тартибини белгиловчи қўшимча нормалар киритилмоқда.

Бундай аниқ қоидалар сайлов кампаниясини ноқонуний амалга оширишнинг олдини олиш, барча сиёсий партиялар ва депутатликка номзодларга сайловларда катнашиш учун тенг шарт-шароитлар ва имкониятлар яратишга кўмаклашади. Сайловолди ташвиқотини нафақат сайлов куни, балки сайловга бир кун қолганда ўтказишни тақиқлаш сайловчиларга ўзининг сиёсий хайрихоҳлигини аниқ белгилаш, кимга овоз бериш ҳақида онгли равишда қарор қабул қилишга ёрдам беради.

**Бахтиёр ЯКУБОВ, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари:**

– Халқаро сайлов ҳуқуқининг асосий тамойилларидан бири очиқ ва ошқора, эркин ҳамда ҳаққоний, адолатли сайловлар ўтказишдир. Бу жиҳатлар Ўзбекистон сайлов қонунчилигида ҳам тўлиқ ўз ифодасини топган. Жумладан, унда фуқароларнинг сайловларда иштирок этиши эркин ва ихтиёрий эканлиги мустаҳкамланган. Чунинчи, янги Қонунда нафақат сайлов куни, балки овоз бериш бошланишига бир кун қолганида сайловолди ташвиқотига йўл қўйилмаслиги, овоз бериш кунига қадар уч кун ичида, шунингдек, овоз бериш куни жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари тахминларини, ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни чоп этишга (эълон қилишга), шу жумладан, уларни умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқларига (шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғига) жойлаштиришга йўл қўйилмаслиги тўғрисидаги янги нормалар ўз ифодасини топгани жуда муҳимдир.

Чунки шулар асосида сайловчиларга ўз қарашларини, сиёсий хайрихоҳлигини аниқлаб олиш, уларнинг кимга ва қандай сиёсий дастурга овоз бериш масаласида онгли равишда аниқ бир қарорга келиши учун қўшимча вақт тақдим этилади. Бу эса сайловчилар ҳуқуқларини амалий жиҳатдан янада кенг муҳофаза қилиш, у ёки бу номзодга холис бўлмаган муносабатнинг шаклланиши, сайлов арафасидаги турли суиистеъмол қилиш ҳолатлари ва қонунбузилишларининг олдини олишда салмоқли роль ўйнайди. Айни чоғда юқоридаги каби сўровлар ташвиқот мақсадида фойдаланилишини инобатга олсак, ушбу нормалар сайловчиларнинг эркин хоҳиш-иродасига ташқи таъсирларни чекловчи профилактик хусусият касб этиши ҳам ойдинлашади.

**Кларк ПЛЕКСИКО, Миллий демократик институтнинг (АҚШ) Ўзбекистондаги филиали директори:**

– Турли мамлакатлар қонунларида бир-бирига ўхшаш жиҳатлар, биринчи навбатда, дунёда умум эътироф этилган демократик принциплар мавжуд. Бироқ, бунда ҳар бир давлат, ҳар бир халқнинг ўз миллий манфаатлари, ривожланиш тарихи ва хусусиятлари ҳисобга олиниши керак. Ўзбекистон айнан шу асосда ўз сайлов қонунчилигини яратиб, уни такомиллаштириб бормоқда. Президент Ислам Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида Ўзбекистонни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича қатор муҳим қонунчилик ташаббуслари асослаб берилган. Янги қонун лойиҳасининг дунёнинг ривожланган давлатлари тажрибаси ва уни кенг муҳофама этиш чоғида билдирилган жамоатчилик фикри эътиборга олинган ҳолда ишлаб чиқилгани катта аҳамиятга эгадир. Бу, шубҳасиз, уни амалда муваффақиятли қўллашга ёрдам беради".

**Борий АЛИХАНОВ, Ўзбекистон экологик ҳаракатининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги депутатлар гуруҳи раҳбари:**

– Юртбошимизнинг Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш механизмларини янада такомиллаштириш масаласи ҳам назарда тутилган.

Янги Қонунда Ўзбекистон экологик ҳаракатининг Қонунчилик палатаси депутатларини сайлаш бўйича конференцияларида кузатувчиларнинг иштирок этиш ҳуқуқи белгилаб берилди. Бу очиқлик ва ошкораликни таъминлаш баробарида, Экоҳаракатдан номзодлар учун тенг имкониятлар яратиш механизмини амалга ошириш, сайлов жараёнларига кенг жамоатчилик, жумладан, фуқаролик жамияти институти вакилларини фаол жалб этишга хизмат қилади.

Хулоса ўрнида айтганда, янги ҳуқуқий ҳужжат нафақат Экологик ҳаракатдан депутатлар сайловлари, балки барча сиёсий партиялардан депутатлар сайловлари шаффофлигини ҳам таъминлайди.

## Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Қ А Р О Р И

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ 2011 ЙИЛДА АМАЛГА ОШИРГАН ИШЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Қонуни 5, 9-моддаларига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Марказий сайлов комиссиясининг 2011 йилда амалга оширган ишлари юзасидан комиссия котиби О.Соатовнинг ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Комиссия аъзолари Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган кўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузасида сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш ташаббусларининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчилик эътиборига етказишга бағишланган тадбирларни давом эттириб, марказий ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларида ушбу йўналишда чиқишлар уюштирсинлар.

3. Комиссия котибияти (О.Соатов) ходимларнинг малакасини ошириш, сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш, халқаро сайлов амалиёти, сайлов қонунчилиги ва сайлов тизимларини ўрганиб умумлаштириб бориш, давлат ҳокимияти вакиллик органлари ва жамоат бирлашмалари тўғрисида яратилган маълумотлар базасини янгилаб бориш ишларини изчил давом эттирсин.

Марказий сайлов комиссиясининг келгусидаги фаолияти самарадорлигини янада ошириш учун Котибият томонидан ижро интизомини мустаҳкамлаш, Комиссия қарорлари ўз вақтида ижро этилишини таъминлаш, Котибиятни зарур замонавий техник воситалар билан тўлиқ таъминлаш ишлари амалга оширилсин.



4. Марказий сайлов комиссиясининг веб-сайтини янада ривожлантириш ва Комиссиянинг электрон кутубхонасини яратиш ишларини амалга ошириш Котибият бошлиғи О.Соатов ва Матбуот хизмати раҳбари Н.Нурматов зиммаларига юклансин. Комиссия аъзоси С.Қосимовдан ушбу масалада Котибият ходимларига амалий ёрдам кўрсатиш сўралсин.

5. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Марказий сайлов комиссияси Раиси зиммасига юклансин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2012 йил 27 январь.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ  
АЪЗОСИ С.ҲУСЕНОВНИНГ ВАКОЛАТИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ  
ТУГАТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги Қонуни 4-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Самойдин Қосимович Ҳусеновнинг халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгаши депутати ваколати тугатилганлиги муносабати билан унинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси ваколати муддатидан илгари тугатилган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгашига маълумот учун юборилсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2012 йил 27 январь.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ  
АЪЗОСИ Н.ЗАЙНИЕВНИНГ ВАКОЛАТИНИ МУДДАТИДАН  
ИЛГАРИ ТУГАТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги Қонуни 4-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Нуритдин Зайниевнинг халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгаши депутати ваколати тугатилганлиги муносабати билан унинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси ваколати муддатидан илгари тугатилган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашига маълумот учун юборилсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2012 йил 27 январь.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ  
КОМИССИЯСИНИНГ 2012 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИГА  
МЎЛЖАЛЛАНГАН ИШ РЕЖАСИ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Қонуни 5, 9-моддаларига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Марказий сайлов комиссиясининг 2012 йил биринчи ярмига мўлжалланган иш режаси иловага мувофиқ тасдиқлансин<sup>1</sup>.

2. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Марказий сайлов комиссияси котиби, Котибият бошлиғи О.Соатов зиммасига юклансин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2012 йил 27 январь.*

---

<sup>1</sup> Илова чоп этилмайди.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ  
АЪЗОСИ Т.ЖЎРАЕВНИНГ ВАКОЛАТИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ  
ТУГАТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги Қонуни 4-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Туробжон Икромович Жўраевнинг халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши депутати ваколати тугатилганлиги муносабати билан унинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси ваколати муддатидан илгари тугатилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашига маълумот учун юборилсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2012 йил 9 февраль.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ  
АЪЗОСИ О.ОЛЛАБЕРГАНОВНИНГ ВАҚОЛАТИНИ МУДДАТИДАН  
ИЛГАРИ ТУГАТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги Қонуни 4-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Оллаберган Хаитбоевич Оллабергановнинг халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгаши депутати ваколати тугатилганлиги муносабати билан унинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси ваколати муддатидан илгари тугатилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашига маълумот учун юборилсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2012 йил 9 февраль.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
Қ А Р О Р И**

**БЎШАБ ҚОЛГАН ЎРИНГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ АЪЗОСИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗИШ  
ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуни 61-моддаси ва “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзосининг сайловини ўтказиш бўйича Бухоро вилояти давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг қўшма мажлиси 2012 йил 17 февраль куни соат 10-00да Бухоро вилояти ҳокимлигининг мажлислар залида ўтказилиши белгилансин.

2. Мазкур қарор Бухоро вилояти ҳокимлигига юборилсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2012 йил 9 февраль.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
Қ А Р О Р И**

**БЎШАБ ҚОЛГАН ЎРИНГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ АЪЗОСИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗИШ  
ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуни 61-моддаси ва “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзосининг сайловини ўтказиш бўйича Фарғона вилояти давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг қўшма мажлиси 2012 йил 17 февраль куни соат 11-00да Фарғона шаҳар ҳокимлигининг катта мажлислар залида ўтказилиши белгилансин.

2. Мазкур қарор Фарғона вилояти ҳокимлигига юборилсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2012 йил 9 февраль.*



**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
Қ А Р О Р И**

**БЎШАБ ҚОЛГАН ЎРИНГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ АЪЗОСИ САЙЛОВИНИ  
ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуни 61-моддаси ва “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзосининг сайловини ўтказиш бўйича Қашқадарё вилояти давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг қўшма мажлиси 2012 йил 22 февраль куни соат 10-00да Қашқадарё вилояти Муллатўйчи Тошмухаммедов номидаги мусиқа ва драма театри биносида ўтказилиши белгилансин.

2. Мазкур қарор Қашқадарё вилояти ҳокимлигига юборилсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2012 йил 9 февраль.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
Қ А Р О Р И**

**БЎШАБ ҚОЛГАН ЎРИНГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ АЪЗОСИ САЙЛОВИНИ  
ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуни 61-моддаси ва “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзосининг сайловини ўтказиш бўйича халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг мажлиси 2012 йил 24 февраль куни соат 11-00да Тошкент шаҳар ҳокимлигининг катта мажлислар залида ўтказилиши белгилансин.

2. Мазкур қарор Тошкент шаҳар ҳокимлигига юборилсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2012 йил 9 февраль.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
Қ А Р О Р И**

**М.ЭСАНОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ  
СЕНАТИ АЪЗОСИ ЭТИБ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуни 58,61-моддалари, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Бухоро вилояти давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси сайлови бўйича 2012 йил 17 февраль куни ўтказилган қўшма мажлиси баённомасига асосан Мухиддин Турдиевич Эсанов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси этиб рўйхатга олинсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгашига маълумот учун юборилсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2012 йил 28 февраль.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
Қ А Р О Р И**

**Ш.ҒАНИЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ  
СЕНАТИ АЪЗОСИ ЭТИБ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуни 58,61-моддалари, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Фарғона вилояти давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси сайлови бўйича 2012 йил 17 февраль куни ўтказилган қўшма мажлиси баённомасига асосан Шухрат Мадаминovich Ғаниев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси этиб рўйхатга олинсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашига маълумот учун юборилсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2012 йил 28 февраль.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
Қ А Р О Р И**

**Т.ЖЎРАЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ  
СЕНАТИ АЪЗОСИ ЭТИБ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуни 58,61-моддалари, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Қашқадарё вилояти давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси сайлови бўйича 2012 йил 22 февраль куни ўтказилган кўшма мажлиси баённомасига асосан Туробжон Икромович Жўраев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси этиб рўйхатга олинсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашига маълумот учун юборилсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2012 йил 28 февраль.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
ҚАРОРИ**

**Р.УСМАНОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ  
СЕНАТИ АЪЗОСИ ЭТИБ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуни 58,61-моддалари, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси сайлови бўйича 2012 йил 24 февраль куни ўтказилган мажлиси баённомасига асосан Раҳмонбек Жаҳонгирович Усманов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси этиб рўйхатга олинсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига маълумот учун юборилсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2012 йил 28 февраль.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ  
АЪЗОСИ Ш.СОБИРОВНИНГ ВАКОЛАТИНИ МУДДАТИДАН  
ИЛГАРИ ТУГАТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги Қонуни 4-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Шухратжон Уринбаевич Собировнинг халқ депутатлари Қўқон шаҳар Кенгаши депутати ваколати тугатилганлиги муносабати билан унинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси ваколати муддатидан илгари тугатилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Фарғона вилояти ҳокимлигига маълумот учун юборилсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2012 йил 28 февраль.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ  
АЪЗОСИ Ш.ХЎЖАНИЁЗОВАНИНГ ВАКОЛАТИНИ МУДДАТИДАН  
ИЛГАРИ ТУГАТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги Қонуни 4-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Шакаржон Юсуповна Хўжаниёзованинг халқ депутатлари Боғот туман Кенгаши депутати ваколати тугатилганлиги муносабати билан унинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси ваколати муддатидан илгари тугатилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Хоразм вилояти ҳокимлигига маълумот учун юборилсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2012 йил 28 февраль.*



**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
Қ А Р О Р И**

**БЎШАБ ҚОЛГАН ЎРИНГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ АЪЗОСИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗИШ  
ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуни 61-моддаси ва “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси сайловини ўтказиш бўйича Хоразм вилояти давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг қўшма мажлиси 2012 йил 10 март куни соат 10-00да Республика маънавият тарғибот маркази Хоразм вилояти бўлимининг катта мажлислар залида ўтказилиши белгилансин.

2. Мазкур қарор Хоразм вилояти ҳокимлигига юборилсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2012 йил 28 февраль.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
Қ А Р О Р И**

**БЎШАБ ҚОЛГАН ЎРИНГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ АЪЗОСИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗИШ  
ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуни 61-моддаси ва “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси сайловини ўтказиш бўйича Самарқанд вилояти давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг қўшма мажлиси 2012 йил 14 март куни соат 10-00да Самарқанд вилояти ҳокимлигининг катта мажлислар залида ўтказилиши белгилансин.

2. Мазкур қарор Самарқанд вилояти ҳокимлигига юборилсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2012 йил 9 март.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
Қ А Р О Р И**

**БЎШАБ ҚОЛГАН ЎРИНГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ АЪЗОСИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗИШ  
ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуни 61-моддаси ва “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси сайловини ўтказиш бўйича Қашқадарё вилояти давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг қўшма мажлиси 2012 йил 16 март куни соат 10-00да Қарши шаҳридаги Муллатўйчи Тошмухаммедов номидаги мусиқа ва драма театри биносида ўтказилиши белгилансин.

2. Мазкур қарор Қашқадарё вилояти ҳокимлигига юборилсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2012 йил 9 март.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
Қ А Р О Р И**

**П.БОБОЖОНОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ  
МАЖЛИСИ СЕНАТИ АЪЗОСИ ЭТИБ РЎЙХАТГА ОЛИШ  
ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуни 58,61-моддалари, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Хоразм вилояти давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси сайлови бўйича 2012 йил 10 март куни ўтказилган қўшма мажлиси баённомасига асосан Пўлат Раззоқович Бобожонов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси этиб рўйхатга олинсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашига маълумот учун юборилсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2012 йил 19 март.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
Қ А Р О Р И**

**А.ЖЎРАЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ  
СЕНАТИ АЪЗОСИ ЭТИБ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуни 58,61-моддалари, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Самарқанд вилояти давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси сайлови бўйича 2012 йил 14 март куни ўтказилган қўшма мажлиси баённомасига асосан Абдимўмин Суннатович Жўраев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси этиб рўйхатга олинсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашига маълумот учун юборилсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2012 йил 19 март.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
Қ А Р О Р И**

**С.АБДИЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ  
СЕНАТИ АЪЗОСИ ЭТИБ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуни 58,61-моддалари, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Қашқадарё вилояти давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси сайлови бўйича 2012 йил 16 март куни ўтказилган қўшма мажлиси баённомасига асосан Суюн Мажидович Абдиев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси этиб рўйхатга олинсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашига маълумот учун юборилсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2012 йил 19 март.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
Қ А Р О Р И**

**БЎШАБ ҚОЛГАН ЎРИНГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ АЪЗОСИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗИШ  
ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуни 61-моддаси ва “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси сайловини ўтказиш бўйича Сурхондарё вилояти давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг қўшма мажлиси 2012 йил 20 июнь куни соат 10-00да Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг катта мажлислар залида ўтказилиши белгилансин.

2. Мазкур қарор Сурхондарё вилояти ҳокимлигига юборилсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2012 йил 12 июнь.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
ҚАРОРИ**

**М.ХАЙДАРОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ АЪЗОСИ ЭТИБ РЎЙХАТГА ОЛИШ  
ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуни 58,61-моддалари, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Сурхондарё вилояти давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси сайлови бўйича 2012 йил 20 июнь куни ўтказилган қўшма мажлиси баённомасига асосан Мамат Эшқулович Хайдаров Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси этиб рўйхатга олинсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашига маълумот учун юборилсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2012 йил 28 июнь.*



**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ  
КОМИССИЯСИНИНГ 2012 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА  
АМАЛГА ОШИРГАН ИШЛАРИ ЮЗАСИДАН ҲИСОБОТИ ВА ЖОРИЙ  
ЙИЛНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ИШ РЕЖАСИ  
ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Марказий сайлов комиссиясининг 2012 йилнинг биринчи ярмида амалга оширган ишлари юзасидан Комиссия котиби О.Соатовнинг ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин (1-илова)<sup>1</sup>.

2. Комиссия аъзолари ва Котибият ходимлари “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да белгилаб берилган устувор йўналишлар мазмун-моҳиятини кенг жамоатчилик эътиборига етказишга бағишланган тадбирларда янада фаол иштирок этиш ҳамда бу хусусда оммавий ахборот воситаларида чиқишлар уюштириб боришни изчил давом эттирсинлар.

3. Марказий сайлов комиссиясининг 2012 йил иккинчи ярмига мўлжалланган иш режаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Марказий сайлов комиссияси раиси зиммасига юклансин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2012 йил 10 июль.*

---

<sup>1</sup> Иловалар чоп этилмайди.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК  
ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТИ Х.МАМАТОВНИНГ ВАКОЛАТИНИ  
МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ТУГАТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги Қонуни 4-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. 58-Пастдарғом сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутаты этиб сайланган Маматов Худоёр Тешаевич бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан унинг депутатлик ваколати муддатидан илгари тугатилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Самарқанд вилояти ҳокимлигига маълумот учун юборилсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2012 йил 10 июль.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК  
ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТИ Н.ИСМОИЛОВНИНГ ВАКОЛАТИНИ  
МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ТУГАТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги Қонуни 4-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. 46-Учкўрғон сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати этиб сайланган Исмоилов Нурдинжон Мўйдинхонович бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан унинг депутатлик ваколати муддатидан илгари тугатилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Наманган вилояти ҳокимлигига маълумот учун юборилсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2012 йил 10 июль.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ  
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТИ К.ИБРАГИМОВНИНГ  
ВАКОЛАТИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ТУГАТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги Қонуни 4-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. 96-Олтиариқ сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати этиб сайланган Ибрагимов Каххор Маматаджиевич аризасига биноан унинг депутатлик ваколати муддатидан илгари тугатилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Фарғона вилояти ҳокимлигига маълумот учун юборилсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2012 йил 24 июль.*

## **Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ҚАРОРИ**

### **«САЙЛОВ ТИЗИМИНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ: ХАЛҚАРО АМАЛИЁТ ВА ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ» МАВЗУСИДА БЕЛГИЛАНГАН ХАЛҚАРО ДАВРА СУХБАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ТЎҒРИСИДА**

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясидан келиб чиқадиган долзарб масалалар муҳокамасига бағишланган қатор халқаро конференциялар, давра суҳбатлари, семинарлар ўтказиш режасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, бошқа марказий ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда “Ўзбекистонда сайлов тизимини демократлаштириш: халқаро тажриба ва амалиёт” мавзусида белгиланган халқаро давра суҳбатини ўтказишга тайёргарлик кўриш бўйича манфаатдор идораларнинг таклифларини кўриб чиқиб, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Қонуннинг 5, 9-моддаларига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Марказий сайлов комиссияси Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, ЕХХТ лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси, МДИ (АҚШ) ва Ф.Эберт номли фонд (Германия) билан ҳамкорликда 2012 йил 19-20 сентябрь кунлари Самарқанд шаҳрида “Сайлов тизимини демократлаштириш: халқаро амалиёт ва Ўзбекистон тажрибаси” мавзусида халқаро давра суҳбатини ўтказиш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Марказий сайлов комиссияси ҳузурида ушбу тадбирни ташкил этиш ва ўтказишга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ ташкилий-методик, молиявий ва бошқа масалаларни ҳал этиш бўйича тегишли ишчи гуруҳи тузилсин ва 1-иловага<sup>1</sup> мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ишчи гуруҳи (О.Соатов):

– бир ҳафта муддатда халқаро давра суҳбатини ўтказишдан кўзланган мақсад-вазифалар ва унинг мазмун-моҳиятини очиб берадиган концепция лойиҳасини ишлаб чиқиш;

– халқаро давра суҳбати дастури, иш тартибини ишлаб чиқиш, маърузачилар рўйхатини белгилаш, келиб тушадиган маъруза матнларини

---

<sup>1</sup> Иловалар чоп этилмайди.

кўриб чиқиш, тарқатма ва кўргазмали электрон материаллар, халқаро давра суҳбатининг якуний ҳужжати, пресс-релиз лойиҳаларини рус ва инглиз тилларида тайёрлаш;

– халқаро давра суҳбатини ўтказиш билан боғлиқ харажатлар сметасини ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш ҳамда халқаро давра суҳбатини техник жиҳатдан таъминлаш;

– Самарқанд вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда халқаро давра суҳбатини ўтказиш жойини белгилаш, уни зарур техник воситалар билан жиҳозлаш ва уларни ишлашини таъминлаш;

– Ташқи ишлар вазирлиги, сиёсий партиялар, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти билан ҳамкорликда халқаро давра суҳбати ишида қатнашадиган маҳаллий ва хорижий олимлар, экспертлар, сайлов ҳуқуқи соҳаси мутахассисларининг рўйхатини тузиш ва уларни таклиф этиш билан боғлиқ барча масалаларни ҳал этиш;

– тадбир материалларини нашр этиш ва бошқа ташкилий-техник ишларни амалга ошириш;

– тадбир қатнашчиларини кутиб олиш, кузатиш ва меҳмонхоналарга жойлаштириш вазифалари юклатилсин.

4. “Сайлов тизимини демократлаштириш: халқаро амалиёт ва Ўзбекистон тажрибаси” мавзусида халқаро давра суҳбатини ташкил этиш ва ўтказишга тайёргарлик кўриш чора-тадбирлар дастури 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ишчи гуруҳига жорий йилнинг 20 августига қадар тадбирни ўтказишга тайёргарлик кўриш бўйича бажарилган ишлар юзасидан Комиссия мажлисига ахборот тақдим этиш вазифаси юклатилсин.

6. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Марказий сайлов комиссияси Раиси зиммасига юклансин.

**Марказий сайлов комиссияси**  
**Раиси**

**М.АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,*  
*2012 йил 24 июль.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
Қ А Р О Р И**

**БЎШАБ ҚОЛГАН ЎРИНГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ АЪЗОСИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗИШ  
ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуни 61-моддаси ва “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси сайловини ўтказиш бўйича Навоий вилояти давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг қўшма мажлиси 2012 йил 7 август куни соат 10-00да Навоий шаҳридаги “Фарҳод” маданият саройида ўтказилиши белгилансин.

2. Мазкур қарор Навоий вилояти ҳокимлигига юборилсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2012 йил 2 август.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
Қ А Р О Р И**

**Г.САТТОРОВАНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ  
МАЖЛИСИ СЕНАТИ АЪЗОСИ ЭТИБ РЎЙХАТГА ОЛИШ  
ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуни 58,61-моддалари, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Навоий вилояти давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси сайлови бўйича 2012 йил 7 август куни ўтказилган қўшма мажлиси баённомасига асосан Гулчехра Хайитовна Сатторова Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси этиб рўйхатга олинсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашига маълумот учун юборилсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2012 йил 21 август.*



**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
Қ А Р О Р И**

**БЎШАБ ҚОЛГАН ЎРИНГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ АЪЗОСИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗИШ  
ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуни 61-моддаси ва “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси сайловини ўтказиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг қўшма мажлиси 2012 йил 12 сентябрь куни соат 10-00да Нукус шаҳрида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг катта мажлислар залида ўтказилиши белгилансин.

2. Мазкур қарор Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига юборилсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2012 йил 7 сентябрь.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
Қ А Р О Р И**

**К.КАРИМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ  
СЕНАТИ АЪЗОСИ ЭТИБ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуни 58,61-моддалари, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси сайлови бўйича 2012 йил 12 сентябрь куни ўтказилган кўшма мажлиси баённомасига асосан Кенес Айтмуратович Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси этиб рўйхатга олинсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига маълумот учун юборилсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2012 йил 28 сентябрь.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
Қ А Р О Р И**

**БЎШАБ ҚОЛГАН ЎРИНГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ АЪЗОСИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗИШ  
ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуни 61-моддаси ва “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси сайловини ўтказиш бўйича Наманган вилояти давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг қўшма мажлиси 2012 йил 16 октябрь куни соат 17-00да Наманган шаҳар ҳокимлигининг катта мажлислар залида ўтказилиши белгилансин.

2. Мазкур қарор Наманган вилояти ҳокимлигига юборилсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2012 йил 12 октябрь.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
Қ А Р О Р И**

**С.МУМИНОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ  
МАЖЛИСИ СЕНАТИ АЪЗОСИ ЭТИБ РЎЙХАТГА ОЛИШ  
ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуни 58,61-моддалари, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Наманган вилояти давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси сайлови бўйича 2012 йил 16 октябрь куни ўтказилган қўшма мажлиси баённомасига асосан Солижон Джалилович Муминов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси этиб рўйхатга олинсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгашига маълумот учун юборилсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М.АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2012 йил 6 ноябрь.*

## МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

2012 йил 27 январь куни Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни комиссия раиси М.Абдусаломов бошқарди.

Мажлисида Марказий сайлов комиссиясининг 2011 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ва Комиссиянинг 2012 йилнинг биринчи ярмига мўлжалланган иш режаси муҳокама қилинди.

Шунингдек Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги Қонуни 4-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари С.Хусенов, Н.Зайниевнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.

Мажлисида кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

\*\*\*

2012 йил 9 февраль куни Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни комиссия раиси М.Абдусаломов бошқарди.

Мажлисида жорий йилнинг 17-24 февраль кунлари Бухоро, Фарғона, Қашқадарё вилоятлари ва Тошкент шаҳрида бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари сайловини ўтказиш тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.

Шунингдек, мажлисида Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги Қонуни 4-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари Т.Жўраев, О.Оллаберггановнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.

Мажлисида Комиссия ваколатига доир бошқа масалалар ҳам муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

\*\*\*

2012 йил 28 февраль куни Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни комиссия раиси М.Абдусаломов бошқарди.

Мажлисида Бухоро, Фарғона, Қашқадарё вилоятлари ва Тошкент шаҳрида жорий йилнинг 17-24 февраль кунлари бўшаб қолган ўринларга сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларини рўйхатга олиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Бухоров вилоятидан Мухиддин Турдиевич Эсанов, Фарғона вилоятидан Шухрат Мадаминович Фаниев, Қашқадарё вилоятидан Туробжон Икромович Жўраев, Тошкент

шахридан Раҳмонбек Жаҳонгирович Усманов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари этиб рўйхатга олинди.

Мажлисида Хоразм вилоятида 2012 йил 10 март куни бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси сайловини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Шунингдек, мажлисида Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги Қонуни 4-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари Ш.Собиров, Ш.Хўжаниёзованинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш масалалари кўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

\*\*\*

2012 йил 9 март куни Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни комиссия раиси М.Абдусаломов бошқарди.

Мажлисида 2012 йил 14 март куни Самарқанд вилоятида ва 2012 йил 16 март куни Қашқадарё вилоятида бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари сайловини ўтказиш тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

\*\*\*

2012 йил 19 март куни Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни комиссия раиси М.Абдусаломов бошқарди.

Мажлисида жорий йилнинг 10-16 март кунлари Хоразм, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида бўшаб қолган ўринларга сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларини рўйхатга олиш масаласи кўриб чиқилди. Хоразм вилоятидан Пўлат Раззоқович Бобожонов, Самарқанд вилоятидан Абдимўмин Суннатович Жўраев, Қашқадарё вилоятидан Суюн Мажидович Абдиев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари этиб рўйхатга олинди.

\*\*\*

2012 йил 12 июнь куни Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни комиссия раиси М.Абдусаломов бошқарди.

Мажлисида 2012 йил 20 июнь куни Сурхондарё вилоятида бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси сайловини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

\*\*\*

2012 йил 28 июнь куни Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни комиссия раиси М.Абдусаломов бошқарди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуни 58, 61-моддалари, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ Сурхондарё вилояти давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг 2012 йил 20 июнь куни ўтказилган қўшма мажлисида сайланган Мамат Эшқулович Хайдаровни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси этиб рўйхат олиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

\*\*\*

2012 йил 10 июль куни Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни комиссия раиси М.Абдусаломов бошқарди.

Мажлисида Комиссиянинг 2012 йилнинг биринчи ярмидаги фаолияти билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Марказий сайлов комиссияси ҳисобот даврида ўзининг фаолиятини юртбошимиз томонидан Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида белгиланган вазифаларга алоҳида эътибор қаратгани таъкидланди.

Шунингдек, сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш соҳасида меърий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш бўйича комиссия томонидан Сайлов ва референдум тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун маъмурий жавобгарлик жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида таклифлар тайёрланди. Мажлисида таъкидланганидек, ушбу ишлар парламент, сиёсий партиялар, нодавлат ноижорат ташкилотларининг вакиллари, сайлов ҳуқуқи соҳаси олим ва мутахассислари иштирокида миллий ва хорижий тажрибани чуқур ўрганган ҳолда амалдаги қонун ҳужжатларини танқидий таҳлил қилиш ва қайта кўриб чиқиш асосида амалга оширилган.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддаси, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг айрим депутатлари бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида қарорлар қабул қилинди.

Мажлисида Комиссия ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

\*\*\*

2012 йил 24 июль куни Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни комиссия раиси М.Абдусаломов бошқарди.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясидан келиб чиқадиган долзарб масалалар муҳокамасига бағишланган қатор халқаро конференциялар, давра суҳбатлари, семинарлар ўтказиш режасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, ЕХХТ лойиҳалари мувофиқлаштирувчи, МДИ (АҚШ) ва Ф.Эберт номли фонд (Германия) билан ҳамкорликда “Сайлов тизимини демократлаштириш: халқаро амалиёт ва Ўзбекистон тажрибаси” мавзусида белгиланган халқаро давра суҳбатини Самарқанд шаҳрида ўтказишга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Шунингдек, мажлисда Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги Қонуни 4-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати этиб 96-Олтиариқ сайлов округидан сайланган К.Ибрагимовнинг аризасига биноан унинг депутатлик ваколатини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

\*\*\*

2012 йил 2 август куни Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни комиссия раиси М.Абдусаломов бошқарди.

Мажлисда Навоий вилоятида 2012 йил 7 август куни бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси сайловини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

\*\*\*

2012 йил 21 август куни Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни комиссия раиси М.Абдусаломов бошқарди.

Мажлисда Навоий вилояти давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг 2012 йил 7 август куни ўтказилган кўшма мажлисида сайланган Гулчехра Хайитовна Сатторовани Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси этиб рўйхатга олиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

\*\*\*

2012 йил 7 сентябрь куни Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни комиссия раиси М.Абдусаломов бошқарди.

Мажлисда Қорақалпоғистон Республикасида 2012 йил 12 сентябрь куни бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси сайловини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди.



\*\*\*

2012 йил 28 сентябрь куни Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни комиссия раиси М.Абдусаломов бошқарди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуни 58, 61-моддалари, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг 2012 йил 12 сентябрь куни ўтказилган қўшма мажлисида сайланган Кенес Айтмуратович Каримовни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси этиб рўйхат олиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

\*\*\*

2012 йил 12 октябрь куни Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни комиссия раиси М.Абдусаломов бошқарди.

Мажлисида Наманган вилоятида 2012 йил 16 октябрь куни бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси сайловини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

\*\*\*

2012 йил 6 ноябрь куни Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни комиссия раиси М.Абдусаломов бошқарди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуни 58, 61-моддалари, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ Наманган вилояти давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг 2012 йил 16 октябрь куни ўтказилган қўшма мажлисида сайланган Солижон Джалилович Муминовни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси этиб рўйхат олиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Мажлисида Комиссияваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

## ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

### Марказий сайлов комиссиясидаги учрашувлар

2012 йил 25 июль куни Марказий сайлов комиссияси раиси М.Э.Абдусаломов Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги фавқулодда мухтор элчиси В.Л.Тюрденев билан унинг илтимосига биноан учрашди.

Марказий сайлов комиссияси раиси элчига Комиссиянинг Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси бўйича белгилаб кўйилган миллий сайлов қонунчилигини такомиллаштириш бўйича устувор вазифаларни амалга ошириш билан боғлиқ фаолияти ҳақида ахборот берди.

Шунингдек, учрашувда Ўзбекистон ва Россия Марказий сайлов комиссияларининг ҳамкорлиги масалалари муҳокама қилинди. Таъкидланганидек, 2006 йилда имзоланган Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси Марказий сайлов комиссиялари ўртасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги меморандум бу борада мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

В.Л.Тюрденев Россия Федерацияси Марказий сайлов комиссияси раиси В.Е.Чуров 12-13 июль кунлари Венада бўлиб ўтган ЕХХТнинг сайлов мавзуси бўйича иккинчи қўшма мажлисида қатнашгани тўғрисида маълумот берди. Учрашув чоғида Россия Марказий сайлов комиссиясининг ЕХХТ/ДИИХБ фаолиятига оид масалалар юзасидан нуқтаи назари баён этилди.

\*\*\*

2012 йил 4 сентябрь куни Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзо-Улуғбек Абдусаломов Ф.Эберт номидаги жамғарманинг Марказий Осиё бўйича раҳбари Пеер Тешендорф билан учрашди.

Учрашув давомида Ўзбекистон сайлов қонунчилигини такомиллаштириш, Германиянинг бу борадаги тажрибаси каби масалалар юзасидан фикр алмашилди ҳамда жорий йилнинг 19-20 сентябрь кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган “Сайлов тизимини демократлаштириш масалалари: халқаро амалиёт ва Ўзбекистон тажрибаси” мавзусидаги халқаро давра суҳбатига тайёргарлик кўриш масалалари муҳокама этилди.

Учрашувда Ф.Эберт жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Наиля Резяпова, Марказий сайлов комиссияси Котибияти бошлиғи Ойбек Соатов, Комиссия аъзолари Комилжон Адиллов, Жанабай Содиқов, Комиссия Матбуот хизмати раҳбари Низомиддин Нурматов ҳамда Котибият бўлими мудирлари Ақром Жумаев иштирок этди.

\*\*\*

2012 йил 22 ноябрь куни Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзо-Улуғбек Абдусаломов ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалар мувофиқлаштирувчиси Дьёрдь Сабони унинг илтимосига биноан қабул қилди.

Учрашув давомида Марказий сайлов комиссияси ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалар мувофиқлаштирувчиси офиси билан ҳамкорлиги самарали, узоқ муддатли ва конструктив тусга эга эканлиги таъкидланди. Суҳбат чоғида икки томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Учрашувда ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалар мувофиқлаштирувчиси офиси лойиҳалар бўйича катта маслаҳатчи Кристоф Онферманн ҳамда лойиҳалар бўйича миллий маслаҳатчи Отабек Рашидов, Марказий сайлов комиссияси котиби Ойбек Соатов, комиссия аъзоси Жанабай Содиков ҳамда Матбуот хизмати раҳбари Низомиддин Нурматов иштирок этди.

### **Сайловларнинг халқаро кузатувида иштирок этиш**

2012 йил 12-16 январь кунлари Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси котиби Ойбек Соатов Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги кузатувчилар миссияси таркибида ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Насим Алимов Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти кузатувчилар миссияси таркибида навбатдан ташқари Қозоғистон Республикаси парламенти Мажлиси депутатлари сайловини кузатишда иштирок этди.

Қозоғистон Марказий сайлов комиссияси 819 нафар халқаро кузатувчиларни рўйхатга олди. Хусусан, улар орасида 309 киши Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси кузатувчилар миссияси вакиллари, 262 киши Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги кузатувчилари миссиясидан, шунингдек 29та хорижий давлатдан 150 нафар кузатувчилардир.

\*\*\*

2012 йил 10-14 февраль кунлари Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси котиби Ойбек Соатов ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси кўмита раисининг ўринбосари Тўлқин Турсунов Туркменистон Республикаси Президенти сайловида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги кузатувчилар миссияси таркибида иштирок этди.

Овоз бериш жараёни 2340та миллий кузатувчилар билан бирга илк маротаба халқаро кузатувчилар, шу жумладан Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги миссиясидан 63 нафар кузатувчи, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросидан тўрт нафар эксперт-маслаҳатчилари гуруҳи томонидан кузатилди.

\*\*\*

2012 йил 2-6 март кунлари Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Мирза-Улуғбек Абдусаломов бошчилигида делегация аъзолари Россия Федерацияси Президенти сайловида халқаро кузатувчилар сифатида иштирок этди.

Россия Федерацияси Марказий сайлов комиссияси 58та давлатдан жами 685 нафар хорижий (халқаро) кузатувчиларни аккредитациядан ўтказди.

\*\*\*

2012 йил 3-7 май кунлари Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоси Жанабай Садиқов Арманистон Республикаси Миллий Мажлис депутатлари сайловида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги кузатувчилар миссияси таркибида иштирок этди.

Арманистон Марказий сайлов комиссияси 647 нафар халқаро кузатувчини, шу жумладан ўнта халқаро ташкилот вакилларини аккредитациядан ўтказди.

\*\*\*

2012 йил 21-26 сентябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси котиби Ойбек Соатов ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмита раиси Абдуғофур Маматов Беларусь Республикаси Миллий мажлиси Вакиллар палатаси депутатлари сайловида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги кузатувчилар миссияси таркибида иштирок этди.

Белоруссия парламенти сайловида 16 мингга яқин миллий ва 800га яқин хорижий кузатувчилар, шу жумладан Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги миссияси таркибида қарийб 350та кузатувчи, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросидан 260га яқин кузатувчилар иштирок этди.

\*\*\*

2012 йил 25-30 октябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоси Комилжон Адиллов ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Собир Турсунов Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги кузатувчилар миссияси таркибида Украина парламенти (Верховная Рада) депутатлари сайловида иштирок этди.

Рўйхатга олинган халқаро кузатувчиларнинг умумий сони 3797, шу жумладан халқаро ташкилотлардан 3278 ва хорижий давлатлардан 519 кишини ташкил этди.

## Халқаро конференциялар ва бошқа анжуманларда иштирок этиш

Марказий сайлов комиссияси Матбуот хизмати раҳбари Низомиддин Нурматов Грузиянинг Батуми шаҳрида жорий йилнинг 9-11 февраль кунлари бўлиб ўтган Шарқий Европа ва Марказий Осиё сайлов органлари вакилларининг кенгашида иштирок этди.

Шунингдек, тадбирда Озарбайжон, Беларус Республикаси, Грузия, Украина, Молдова, Словения, Литва Марказий сайлов комиссияларининг ҳамда сайлов тизимлари халқаро жамғармаси (IFES), Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Европа мамлакатлари сайлов ташкилотчилари уюшмаси каби халқаро ташкилотларнинг вакиллари қатнашди.

Сайловларни ташкил қилиш ва ўтказиш масалалари бўйича минтақавий тажриба, шунингдек сайлов органларининг икки томонлама ва кўп томонлама алоқаларини, шу жумладан халқаро ташкилотлар билан муносабатларини мустаҳкамлаш юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

\*\*\*

2012 йил 1 июнь куни Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтида «Ўзбекистонда сайлов қонунчилигини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари» мавзусидаги давра суҳбати ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Марказий сайлов комиссияси, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоят сайлов комиссиялари, сиёсий партиялар вакиллари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ходимлари, ҳуқуқшунос олимлар, шунингдек оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Давра суҳбати Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш Концепциясининг устувор йўналишларини, сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш соҳасида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармойишини ижро этиш доирасида сайлов жараёнини ҳуқуқий тартибга соладиган қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар тайёрлаш юзасидан амалга оширилган ишларни таҳлил қилиш мақсадида ташкил этилди.

Тадбир давомида таъкидланганидек, сайловлар халқнинг хоҳиш-иродасини эркин билдириш, фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этишининг асосий шакли ҳисобланади. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда сайлов қонунчилиги ва норматив-ҳуқуқий негизи шаклланди. Жумладан, бу Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатлари. Уларда эркин сайлов ва ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш принтсиплари, фуқароларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқлари мустаҳкамлаб қўйилган.

Мамлакатимизда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш мутлақ ваколатларига эга Марказий сайлов комиссияси бошчилигида сайлов комиссияларининг яхлит мустақил тизими амал қилади. Сайлов тизими фуқароларнинг, айниқса, ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш муҳим омилга айланган.

Тадбир иштирокчилари мамлакатимизда сайлов жараёнини янада демократлаштириш, сайлов қонунчилигини, хусусан, “Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги қонунларини такомиллаштириш амалий муҳимлиги ҳақида фикрлар билдирдилар.

Муҳокамаларда давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов жараёнларида сайловчиларга ўз қарашлари, сиёсий хайрихоҳлигини аниқлаб олиш, ким ва қандай сиёсий дастурга овоз бериш масаласида онгли равишда аниқ бир қарорга келиш учун ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратиш, сайлов қонунчилиги, сайловчи ҳуқуқлари бузилишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни амалиётга жорий этиш долзарб эканлигига урғу берилди. Айни чоғда унда мамлакатимизда сўнгги йиллар давомида парламент ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ўтказилган сайловлар натижасида қўлга киритилган тажрибани чуқур ўрганиш, таҳлил қилиш ва фойдаланиш заруратига тўхталиб ўтилди.

Анжуманда Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш концепциясида давлатимиз раҳбари томонидан сайлов қонунчилигини такомиллаштириш бўйича илгари сурилган ташаббусларни кенг тушунтиришда Марказий сайлов комиссияси ва фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг ўрни катта эканлиги қайд этилди.

Фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, сайлов қонунчилигининг турли жихатлари юзасидан тажриба ва ахборот алмашиш борасида биргаликда амалга оширилаётган ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

Тадбир иштирокчилари сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини такомиллаштиришга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш жараёнига депутатлик корпусини, сиёсий партиялар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари шу каби тадбирлар ўтказишга кенг жалб этишга эътибор қаратди.

\*\*\*

2012 йил 4-8 июнь кунлари Марказий сайлов комиссиясининг аъзоси Махаммаджон Ходжаев ва Матбуот хизмати раҳбари Низомиддин Нурматов ЕХХТ/ДИИХБ таклифига биноан узоқ муддатли кузатувчилар учун ўқув тренингида иштирок этишди. Унда ЕХХТнинг 17 та иштирокчи-давлати: Албания, Арманистон, Озарбайжон, Белорусия, Босния ва Герцоговина, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Македония, Молдова, Сербия, Тожикистон, Туркменистон, Украина, Хорватия, Черногория, Ўзбекистон шунингдек, ЕХХТ ҳамкор-давлати – Тунис вакиллари иштирок этди.

Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюро (ДИИХБ) – ЕХХТ ҳудудида инсон ҳуқуқлари ва демократияни қўллаб-қувватлашга кўмаклашадиган асосий муассаса ҳисобланади. Сайлов ўтказувчи давлатнинг таклифи ДИИХБ сайловларни кузатиши учун асос бўлади. Сайловларда халқаро ва маҳаллий кузатувчиларнинг иштирок этиши сайлов ўтказувчи давлатларда сайлов жараёнининг обрўсини оширади. ЕХХТ/ДИИХБ миссиялари ташкил топган даврдан бошлаб ЕХХТнинг 53 та иштирокчи-давлатидаги 230 та сайловни кузатиб борган.

Ушбу тренинг шу каби учинчи маротаба ўтказилаётган тадбир бўлиб, ЕХХТ/ДИИХБнинг кузатувчилар миссияси таркибидаги узоқ муддатли кузатувчилар сифатида ишлаш кўникмаларига ўргатиш, шу жумладан, сайловлар халқаро кузатувининг мақсади, унинг ташкил этилиши ва услубиётини назарда тутди.

Тренинг якунида иштирокчиларга ЕХХТ/ДИИХБнинг узоқ муддатли кузатувчиси сертификатлари топширилди.

\*\*\*

2012 йил 16-30 июль кунлари Қорақлпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида “Ўзбекистонда сайлов қонунчилигини такомиллаштиришнинг долзарб вазифалари” мавзусида туркум давра суҳбатлари ўтказилди. Уларнинг ишида Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Марказий сайлов комиссияси ва ҳудудий сайлов комиссиялари аъзолари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ сайлов тўғрисидаги қонунларни такомиллаштириш сайлов жараёнини либераллаштириш, унинг очиклиги ва ошкоралиги каби тамойилларини мустаҳкамлаш, партиялараро рақобатни кучайтириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Тадбир иштирокчилари “Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар

Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги қонунларини такомиллаштириш масалалари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

\*\*\*

Самарқандда 19-20 сентябрь кунлари “Сайлов тизимини демократлаштириш масалалари: халқаро амалиёт ва Ўзбекистон тажрибаси” мавзуида халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Марказий сайлов комиссияси томонидан ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси офиси, Фридрих Эберт номидаги жамғарманинг (ГФР) мамлакатимиздаги ваколатхонаси ва Миллий демократик институтнинг (АҚШ) филиали билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Давра суҳбатида ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Германия, Жанубий Корея, АҚШ, Украина, Франция, Исроил, Япониядан экспертлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, Марказий ва вилоят сайлов комиссияларининг аъзолари, сиёсий партиялар, Ўзбекистон Экологик ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вакиллари, сайлов ҳуқуқи соҳаси мутахассислари ва олимлар иштирок этди.

Истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ҳаётимизнинг барча жабҳаларида, шу жумладан, сайлов тизимида ҳам кенг кўламли демократик ислохотлар амалга оширилгани таъкидланди. “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” тамойили асосида мамлакатимизни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, энг юксак демократик талаблар ва халқаро ҳуқуқ стандартларига мос миллий сайлов қонунчилиги шаклланди. Бундан ташқари, фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустақамланган сайлов ҳуқуқларининг тўлиқ амалга оширилишини ишончли қафолатлайдиган сайлов қонунчилиги, шунингдек, фуқаролар ва сиёсий партияларнинг сайлов жараёнларида эркин, фаол иштирок этиши учун барча зарур ташкилий-ҳуқуқий ҳамда моддий-техник шароитлар яратилди.

Буларнинг барчаси миллий сайлов тизимини босқичма-босқич ва изчил эркинлаштириш, мамлакатимиз икки палатали парламентида сайловларни умум эътироф этилган халқаро нормалар ва демократия принципларига мувофиқ ўтказиш имконини бермоқда. Давра суҳбати қатнашчиларининг таъкидлашича, сайловлар кучли фуқаролик жамиятига эга демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас таркибий қисми, халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишининг, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокининг асосий шакли ҳисобланади. Шу муносабат билан Ўзбекистоннинг амалдаги сайловларни кўппартиявийлик асосида ўтказиш тизими фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, жамият ва давлат бошқарувидаги ролини ошириш имконини бериши қайд этилди. Бугун мамлакатимиз фуқаролик жамияти институтлари давлат ҳокимиятининг



марказ ва жойлардаги вакиллик органларини шакллантириш ва уларнинг фаолиятида, сайловларнинг ҳаққонийлиги, холислиги ҳамда очиклигини таъминлашда фаол қатнашмоқда.

Давра суҳбати иштирокчиларининг фикрича, Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг изчил ривожланишини инобатга олган ҳолда сайлов қонунчилигининг мунтазам равишда такомиллаштириб борилаётганлиги давлатимиз раҳбари томонидан янада демократлаштириш сиёсати босқичма-босқич амалга оширилаётганининг ёрқин далилидир. Сўнгги йилларда мамлакатимиз сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартишлар хорижлик экспертлар томонидан ниҳоятда муҳим деб баҳоланди.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси Ўзбекистонда демократик сайлов тизимини ривожлантиришнинг янги босқичини бошлаб бергани алоҳида таъкидланди. Хорижлик экспертлар ушбу дастурий ҳужжатда сайлов жараёнини янада демократлаштиришга, хусусан, “сайловолди ташвиқоти” тушунчасига аниқ таъриф бериш, уни олиб бориш турлари, шакл ҳамда усулларини, шунингдек, муддатидан олдин овоз бериш тартиб-қоидасини белгилаш, жамоатчилик фикри сўровлари маълумотларидан фойдаланишни тартибга солиш, Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатлар сайловининг очиклиги ва ошкоралигини таъминлашга қаратилган қонунчилик ташаббусларининг ўта муҳимлиги ва долзарблигини қайд этдилар.

Давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш доирасида “Сайлов эркинлигининг бундан буён ҳам таъминланиши ва сайловга оид қонун ҳужжатларининг ривожлантирилиши муносабати билан “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги ҳамда “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ҳамда парламентимиз Қонунчилик палатаси томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди. Уни ишлаб чиқиш давомида турли демократик давлатлар тажрибаси чуқур ўрганилди. Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида сайлов комиссиялари аъзолари, сиёсий партиялар, Экологик ҳаракат, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари ва ҳуқуқшунослар иштирокида қонун лойиҳаси кенг муҳокама этилди.

Давра суҳбати қатнашчилари янги қонун лойиҳасининг қоидаларини батафсил муҳокама қилдилар.

Тадбирда янги қонуннинг қабул қилиниши ва нормаларининг ҳаётга татбиқ этилиши сайлов эркинлиги принципини тўлиқ рўёбга чиқариш, мамлакатимиз сайлов тизимини янада демократлаштириш, сайловолди ташвиқотини ўтказишда депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларга тенг шароитлар яратиш, шунингдек, сайловлар очик ва ошкоралиги принципларининг самарадорлигини ошириш имконини бериши таъкидланди.

Давра суҳбати иштирокчилари ўз чиқишларида сайлов қонунчилигини Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ такомиллаштириш кўппартиявийликни ривожлантириш ва партиялараро рақобатни кучайтириш, сайлов жараёнини янада эркинлаштириш учун асос бўлиб хизмат қилиши, мамлакатимизда демократик жараёнларни чуқурлаштиришнинг муҳим омили бўлишига ишонч билдирдилар. Улар Ўзбекистонда сайлов тизимини демократлаштириш борасида катта тажриба тўплангани ва ундан бошқа мамлакатлар ҳам фойдаланиши мумкинлиги хақида яқдил фикрга келдилар.

Давра суҳбати якуни бўйича тегишли тавсиялар қабул қилинди.

\*\*\*

Шу йилнинг 27-29 ноябрь кунлари ЕХХТ/ДИИХБ таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Матбуот хизмати раҳбари Низомиддин Нурматов ва Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар филиали раҳбари Дониёр Аюпов ЕХХТ қисқа муддатли кузатувчилари учун Сараево шаҳрида (Босния ва Герцоговина) ташкил этилган ўқув тренингида иштирок этишди. Унда ЕХХТнинг 17 та иштирокчи-давлати 34 нафар вакили иштирок этди.

Уч кунлик ўқув доирасида семинар иштирокчилари ЕХХТ фаолиятининг асосий йўналишлари ва долзарб вазифалари, ЕХХТ/ДИИХБнинг сайловларни кузатиш борасидаги аҳамияти, сайловларнинг асосий тамойиллари ва андозалари, кузатувчилар гуруҳида ишлаш, ЕХХТ/ДИИХБ кузатувчилар ахлоқ кодекси қоидалари, қисқа муддатли кузатувчилар фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш услубиёти, уларнинг сайлов куни сайлов жараёнини кузатиш бўйича хатти-ҳаракатлари, халқаро кузатув борасида вужудга келадиган турли вазиятларни бартараф этиш амалий масалалари билан таништирилди.

Тренинг якунида иштирокчиларга ЕХХТ/ДИИХБнинг қисқа муддатли кузатувчиси сертификатлари топширилди.